

# Оддий ибодатнинг

КУЧИ

Қандай қилиб Худо билан ҳамма  
нарсга ҳақида гаплашиш мумкин

**Муваффақиятли ибодатнинг шартлари**



# ЖОЙС МАЙЕР

#1 Нью-Йорк Таймс журнали хулосасига кўра бозори чаққон китоблар муаллифи

## АЗИЗ ДЎСТИМ!

Сизга Жойс Майернинг «Муваффақиятли ибодатнинг шартлари» номли китобини юбораётганимиздан хурсандмиз.

Ибодатларимиз муваффақиятга ва кучга эга бўлиши ҳамда уларга жавоб келиши учун айрим шартларга риоя этишимиз зарур.

Жумладан, ушбу шартлардан бири – бу кечирим. Яна бир шарт – беҳад қудратга эга руҳий қуроллар: Худонинг Каломи, Исо Масиҳнинг исми ва Исо Масиҳнинг қонидан фойдаланиш ҳисобланади. Худованд ибодатларингиз бўйича мўъжизалар яратишини, чиндан ҳам истасангиз, сизга юқоридаги шартларни бажариш қийинчилик туғдирмайди.

Ушбу китобдан, қандай кучли ва енгилмас бўлишни ҳамда бунинг учун нималар қилиш ва нималарни қилмаслик кераклигини билиб оласиз.

**Диққат!** Илтимос, муаллифлик қонунига риоя қилинг. Ушбу китобнинг барча ҳуқуқлари халқаро муаллифлик қонунига биркитилган.

Китобнинг ваёки муқованинг мазмунидан муаллифнинг ёзма рухсатисиз тўлиқ ёки қисман фойдаланиш тақиқланади.

**Сизга маҳсулдор ўқишни тилаб қоламиз!**

**Муваффақиятли ибодатнинг шартлари**

*Оддий ибодатнинг кучи*

Тўлиқ ҳажмдаги китобдан

© 2016, Жойс Майер

The Power of Simple Prayer

How to Talk with God about Everything

(Chapters 4, 12-14)

**The Power of Simple Prayer**

**How to Talk with God about Everything**

*Keys to successful prayer*

Joyce Meyer

ISBN 978-0-446-58058-8

FaithWords

Nache e Book Group

237 Park Avenue

New York, NY 10017

Ушбу китобнинг барча ҳуқуқлари халқаро муаллифлик қонунига биркирилган. Китобнинг ва муқованинг мазмунидан муаллифнинг ёзма рухсатисиз тўлиқ ёки қисман фойдаланиш таъқиқланади.

Оддий  
ибодатнинг



КУЧИ

Муваффақиятли ибодатнинг шартлари

ЖОЙС МАЙЕР



# МУНДАРИЖА

Сўз боши .....7

## **Биринчи боб**

Ибодатга жавоб олиш йўлидаги  
ўн тўртта тўсиқлар.....9

## **Иккинчи боб**

Ибодатдаги ғалабага тўлиқ ишонч.....47

## **Учинчи боб**

Ибодатда мустаҳкам туринг .....78



## СЎЗ БОШИ

Ибодатга жавоб олиш йўлида бир қатор тўсиқлар мавжуд. Улардан баъзилари муваффақиятли ибодат калитларининг, тўғридан тўғри тескариси ҳибосланади, жумладан, кечирим – бу муваффақиятли ибодатнинг калити, хафагарчилик эса – ибодатнинг йўлидаги тўсиқ саналади. Ибодатларимиз самарали бўлишини истасак, нафақат нималарга риоя қилишни, балки нималарни қилмаслик кераклигини ҳам билишимиз зарур.

Шунингдек, ушбу китобда, бизнинг кўламмимизда бор бўлиши керак бўлган, ўта кучли руҳий қуролларнинг учта турини: Худонинг Каломи, Исо Масиҳнинг исми ва Исо Масиҳнинг қони кабиларни кўриб чиқамиз. Бизнинг душманимиз мудрамайди, унинг барча ҳаракатлари бизни синдириш, мағлуб қилиш ҳамда ҳаётимиздаги мақсадларни амалга ошишига тўсқинлик қилишга қаратилган. Аммо Худованд биз кучли ва енгилмас бўлишимизни истайди ва бу нарсада бизнинг ибодатларимиз ёрдамга келади.

*Жойс Майер*





# БИРИНЧИ БОБ

## Ибодатга жавоб олиш йўлидаги ўн тўртта тўсиқлар

Ибодатнинг қудрати қанчалик буюк бўлмасин, унинг йўлларида тўсиқлар юзага келиши мумкин. Ушбу бобда бу тўсиқларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтаман, зеро биз ҳаётимизнинг ижобий ва салбий жиҳатлари ибодатларимизга айнан қай тарзда таъсир ўтказишини англаб олишимиз зарур.

### *1. Ибодатнинг йўқлиги*

Бу ҳаммага маълум нарса эканини биламан, шунга қарамай, айтаман: «...Ҳеч нарсага эга бўлмаясизлар, чунки сўрамаяпсизлар» (Ёқуб 4:2). Олиш учун, аввало сўраш керак. Баъзида шундай бўладики, биз юзага келган вазият тўғрисида ўйлаймиз ёки ўз муаммоларимизни дўстларимиз билан муҳокама қиламиз, ниманидир иштаймиз, нимагадир умид қиламиз, бироқ ўша вазият учун ибодат қилмаймиз. Ўйлов, истак, умид, муҳокама – булар ибодатга кирмайди. Худога мурожаат этиш – мана, бу ибодат.

Бизда муҳтожлик бўлса ёки бизни қандайдир муаммо хавотирга солса, бу ҳақда Худовандга айтишимиз лозим. Бу ибодат ҳисобланади. Худованд биз Ундан бирор нарса сўрашимизни кутиб туради. Матто Хушхабари 7:7 да ва Ишаъё китоби 65:1-2 да, биз ибодат қилсак, У албатта, жавоб беришга тайёрлиги ёзилган.

Бир пайтлар, менинг қўл остимда, ишнинг миқдоридан узлуксиз шикоят қиладиган бир киши ишлар эди. Менимча, унинг ўзи, тўхтовсиз нолиб юришини сезмас эди, лекин бу нарса менинг жаҳлимни чиқарар эди. Мен у учун хавотирланар, аччиқланар ва у ҳақда миямга доим ёмон фикрлар келар эди. Натижада, ўзим ўша кишидан нолийдиган бўлиб қолдим. Аммо бир куни, мен бу киши учун бирор марта ҳам ибодат қилмаганимни тушуниб етдим. Худодан унинг ишга бўлган муносабатини ўзгартиришини, токи у норозилик кўрсатишни тўхтатишини ва борига шукр қилишни бошлашини сўрадим.

Келаси куннинг ўзида, уни кўрганимда, у менга ўз иши ҳақида биринчи марта ижобий нарсани айтганининг гувоҳи бўлдим. У дам олишга имкон бўлгани ва ҳаммаси ўз жойига

тушаётгани тўғрисида сўзлаб берди. Ажабо! Худованд бизга ёрдам беришга тайёр турган, бироқ мен ибодатда бу ҳақда сўрамагунимча, Унинг қўллари боғлиқ ҳолда турган эди. Ўша ишчимнинг доимий шикоятлари қандай нотўғри бўлса, менинг бу ҳақда ибодат қилмай юришим ҳам, шундай нотўғри бўлган. Мен ўша одам билан муаммони ҳал этишни ўйлар, хавотирланар, аччиқланар эдим, бироқ бир неча ойлардан кейингина онгимга бу киши учун ибодат қилиш фикри келди. Ибодат қилган заҳотим, Худованд ўртага аралашди ва ҳаммаси ўз ечимини топди.

Мен сизнинг юқоридаги айтилган воқеадан дарс олишингизни истар эдим. Худованд сизнинг ва атрофингиздагиларнинг ҳаётини яхши томонга ўзгартириши учун ибодат орқали Унга имкон беринг.

## ***2. Иккиланиш***

Жавобни қўлга киритиш учун бирор нарса ҳақида шунчаки сўраб қўймаслигимиз, балки аминлик билан, қўрқув ва шубҳасиз ибодат қилишимиз зарур. Исо Масиҳнинг хочдаги ўлими

туфайли, биз Худонинг кўзида ҳақ кишиларга айландик, шундай экан, ибодатда Унга дадиллик билан гапиришга ҳуқуқлимиз. Унинг қаршисига аминлик ва ҳеч қандай ҳижолатсиз келишимиз ҳамда У бизларни севишига, илтимосимизга қулоқ тутишига ва ибодатларимизга керакли равишда жавоб беришига ишонишимиз мумкин.

Худога дадиллик ва аминлик билан мурожаат этишга ҳақли эканимизни англаб олгач, ибодат қилишга нолойиқсан, деб бизга уқтиришга уринаётган душманга, муваффақият билан қарши тура олишимиз мумкин. Энди: «Ҳа, Худованд ақл бовар қилмас мўъжизалар яратишга қодирлигини биламан, аммо У айнан мен сўраган нарсани беришига кўзим етмайди», деган фикрларни ўйламаймиз. Биз Худонинг эътиборини қозона олмайман, деб ҳисоблашимиз мумкин, лекин Исо Масих туфайли, биз Худонинг олдига дадил кела олишга ва Унинг шафқатига умид боғлашга лойиқ эканимизни унутманг (Ибронийларга 4:16). Шафқат, биз лойиқ бўлмасак-да, Худованд илтимосларимизга жавоб беришини ва марҳаматлашини назарда тутди. Муҳими, биз да-

дилликни йиғишимиз ва Ундан мухтож бўлган нарсамизни беришини сўрашимиз керак. Биз Исо Масиҳ номи билан сўраймиз, бу Отанинг қаршисида ўзимизга эмас, Исо Масиҳнинг фазилатларига таяниб туришимизни билдиради.

Эфесликларга мактуб 3:20 да, Худованд биз сўраётган ёки орзу қилаётган ҳамма нарсадан кўра ҳам ҳаддан ташқари кўпроғини қилишга қодирлиги ёзилган, шундай экан, иккиланманг ва ўзингизни, Худодан олишингиз мумкин бўлган ёрдамдан маҳрум этманг.

Мендан ёрдам сўраганларида, агар у киши ўзида аминликни кўрсатса, унга бажонидил ёрдам бераман. Ундан ҳурмат ва миннатдорлик билдиришини, кўришни истаيمان, кўрқув эса мени ўзидан қочиради. Унинг ишончи, менда ҳам ишонч уйғотади. Инсон мен унга ёрдам бера олишимга ишонч билдирганида, бу менга ҳам таъсир қилади. Агар унда кўрқувни кўрсам, мендан ёрдам олиши, амри маҳол, чунки кўрқув – бу шайтонга, у ҳаётимга суқулиб кириши ва вайронгарчилик олиб келиши учун эшик очади.

Худодан қўлга киритмоқчи бўлганингиздан кўра камроғини сўраманг. Дадилроқ ва амин-

роқ бўлинг. Ундан ҳаётингизда улкан мўъжизалар яратишини сўранг. Худога Унинг буюклигига ишонишингизни кўрсатинг.

### 3. Гуноҳ

Сано 65:18 да ёзилган: «Агар мен юрагимда қонунбузарликни кўрганимда эди, Раббий мени эшитмаган бўлар эди». Биз воз кечишни истамайдиган гуноҳ, ибодатларимиз учун тўсиқ ҳисобланади. Ҳеч биримиз мукамал эмасмиз. Ҳар биримизнинг ҳаётимизда Худога маъқул бўлмаган нарсалар бор, бу атайин қилинмаган гуноҳлар ёки ишлар бўлиб, буларни нотўғри эканини ўзимиз англамаслигимиз мумкин. Борди-ю, Худованд бизга гуноҳимизни кўрсатса ва фош қилса, биз ўзимизни тузатишимиз зарур, акс ҳолда, У бизнинг ибодатларимизни эшитмайди.

Худодан гуноҳларингизни кўрсатишини сўранг ва У буни амалга оширади. Сўнг, уларга қарши чора кўринг, токи Худованд билан алоқангиз бузилмасин. Мисол учун, У сизга ёлғон гапирганингизни эслатса: «Нима қилибди, бу кичик ёлғоннинг зарари йўқ», деб

ўзингизни оқламанг. Ўзингизни, У кўрсатган муаммони билмасликка олишга ёки бу нарсанинг унчалик аҳамияти йўқ, қилиб кўрсатишга уринманг. Сиз гуноҳингизни тан олишингиз, тавба қилишингиз ва Худонинг кечиримини қабул этишингиз зарур.

Арзимас бўлиб туюладиган нарсалар, кўпинча жиддий муаммоларга олиб келади, чунки арзимас нарсалар, борган сари гуноҳли одатга ва гуноҳли одатлар ҳаёт тарзига айланиб қолади. Сиз чиндан ҳам Худони ҳурмат қилсангиз, Унинг талабларига жиддий қарайсиз ва уларни бажаришга зудлик билан киришасиз. Сиз У билан муносабатларингиз соф ва гуноҳ билан булганмаган бўлиши учун ҳамма нарсага тайёр турасиз. Акс ҳолда, ибодатларингиз жавобсиз қолиб кетаверади.

#### ***4. Худонинг иродасига мос бўлмаган ибодатлар***

Худонинг иродасига мос бўлмаган ибодатларга жавоб келмайди. Худонинг иродасидан четга чиқмаган ҳолда ибодат қилишни истасак, буни амалга оширишнинг энг яхши



йўли – ибодатларимизда Каломдан оятларни келтиришдир. Ибодатларимизни Муқаддас Китобдаги оятлар билан асослашимиз керак. Каломда айнан биз истаган муҳтожлик, вазият ёки истагимизни аниқ тарзда ифодаладиган парчаларни топмаймиз. У ерда янги машина сотиб олишга оид оятлар йўқ, аммо Худованд бизнинг муҳтожликларимизни қондириши тўғрисидаги оятлар кўп. Бизга машина чиндан ҳам зарур бўлса, бу ҳақда сўрашимиз ва Худованд илтимосимизга жавоб беришига умид қилишимиз мумкин.

Баъзида, бирор нарсани сўрашни истаймиз, лекин бу нарса Худонинг иродасига мослигига ва Каломга зид эмаслигига шубҳаланамиз. Бундай пайтларда Худога ўз истагимизни билдиришимиз ва Унинг ҳар қандай қарорини қабул қилишимиз лозим. Айрим ҳолатларда эса Унинг Сўзига асосланиб ибодат қилганимиз учун сўраганларимиз Худонинг иродасига мос эканига ишонч ҳосил этишимиз мумкин. Жумладан, иккинчи Пётрга мактубда ёзилган: «Баъилар буни имиллаш деб ҳисобласалар ҳам, Раббий ўз ваъдасини бажаришга имилламаяпти. Аксинча, У ҳеч кимнинг ҳалок бўлишини иста-

май, ҳамма тавба қилсин, деб сабр-тоқат билан кутиб турибди». Яъни одамларнинг нажотини сўраб, ибодат қилиш Худонинг иродасига тўғри келади. Унинг иродаси бўйича сўраган нарсаларимизга, албатта, жавоб оламиз. Вақт ва муддатлар Худонинг ҳокимиятида экан, кутиб туришимизга тўғри келиши мумкин, лекин илтимосларимиз, албатта, ижобат бўлади. Жавобни кутиб туриб, ўзимизга дейишимиз мумкин: «Худованд менга, аллақачон жавоб берганига ишонаман. Ҳозир кўрмаётган бўлсам-да, жавоб йўлда эканига шубҳам йўқ».

Ҳар бир киши Худонинг иродасига мос бўлмаган нарсани сўраб қўйиши мумкин, бироқ Худованд юрагимизни кўриб туради. Мабодо сўраган нарсамизни бера олмаса, ундан аъло роғини беради.

## ***5. Нотўғри ибодатлар***

Ёдингизда бўлса, Ёқубнинг мактуби 4:2 да ёзилган: «...Ҳеч нарсага эга эмассизлар, чунки сўрамаяпсизлар». Давом этиб, яна бир муҳим оятга эътибор қаратиш зарур: «(Худодан) Сўраяпсизлар-у, лекин олмаяпсизлар, чунки

нотўғри мақсад билан ва ноҳақ, худбин ниятлар остида ҳирсларингизни қондириш учун ёмонликка сўраяпсизлар». Ният – бу бизни ҳаракатлантирадиган нарса. Ибодатнинг сабаби ёки нияти, ундаги айтилаётган сўзлардан анча муҳимроқ. Худованд юрагимизга қарайди ва нотўғри ниятни кўрса, ибодатларимизга жавоб бермайди.

Худога маъқул бўлган ният – бу пок, Худони ва одамларни севадиган юрак ҳисобланади. Номаъқул ниятларга: худбинлик, қасос, бировнинг иродасига буйруқ бериш, одамни ўз йўлига солишга уриниш, ҳасад, мағрурликлар киради. Худбинликдан келиб чиқадиган ва севига асосланмаган барча ниятлар нотўғри ниятлар, деб ҳисобланади.

Тан оламан: катта ва нуфузли хизматим бўлса, бу ўзимни кўпроқ аҳамиятга эга ҳис этишимга ёрдам беради, деб ўйлаб, Худодан хизматим ўсишини сўраган пайтларим бўлган. Биласизми нима содир бўлди? Ҳеч вақо. Менинг ниятларим ўзгармагунча, худбинликдан қутулмагунимча ва хизматнинг ўсишига чанқоқлигимнинг ягона сабаби – одамларга имкони борича кўпроқ ёрдам беришни исташимни са-

мимий айта олмагунимча, хизматим ўсмай ту-  
раверди.

Худодан у ёки бу одамни ўзгартиришини сўраганимизда, бундан ўз манфаатларимизни кўзлашимиз ҳам мумкин, жумладан, у одамнинг ўзи учун нима яхши эканини ҳисобга олмай, бизга у билан ишлаш осон бўлишининг пайида бўлишимиз мумкин. Худованд шунга ўхшаш, худбинликдаги ибодатларга жавоб бермайди. Бизни хафа қилган одам, биздан кечирим сўраши учун ибодат қилишимиз мумкин, У эса биз ўша кишидан кечирим сўрашимизни кутиб туради. Балки, юзага келган вазиятда сизнинг айбингиз йўқдир, лекин Худованд биз кўникувчан бўлишимизни ва ярашиш йўлида биринчи қадамни қўйишимизни истайди. Сабаби оддий – инсон биздан кечирим сўраган пайтидаги қониқиш ҳиссидан кўра кўникувчанликка ўрганиш анча яхшироқ.

Худодан ибодатларингиз доимо самимий ва тўғри бўлиши учун юрагингизни тўхтовсиз поклаб туришини сўранг. Ўз ниятларингизга жиддий қаранг. Мен ундай ёки бундай ҳаракат қилаётганимнинг сабаблари ҳақида фикрлашни бошлаганимда, ҳаётимда кўп нарсалар

ўзгарди. Ички мақсадларимга эътибор берадиган бўлганим учун ибодатларим ҳам ўзгача тус олди. Ниятларимизни очиқдан-очиқ тан олиш, ҳар доим ҳам осон ва ёқимли эмас, аммо юрагимиз Худонинг қаршисида пок бўлишини истасак, буни қилишимиз муҳим.

## ***6. Шубҳа ва имонсизлик***

Ибодатга жавоб олишнинг асосий шарти – бу Худога ишониш. Шубҳа ва имонсизлик эса имоннинг тескараси ҳисобланиб, муваффақиятли ибодат учун тўсиқ бўлади. Имон – бу Худовандни ҳар доим қизиқтирадиган қудратли руҳий куч. Шундай бўлса-да, имонимизга қарши чиқадиган нарсалар мавжуд. Шайтон сизга шубҳа ва имонсизликни сингдирмоқчи бўлганида, сиз юрагингизнинг овозига қулоқ тутинг. Онгингиз шубҳаланса ҳам, юрагингиз ҳали-ҳануз имонда бўлиши мумкин, шундай экан, онгинг эмас, юракнинг ортидан боринг. Шубҳаларга эмас – Худога ишонинг.

Шубҳа ва имонсизликни енгишнинг йўлларида бири Ибронийларга мактуб 12:2 да ёзилган: «(бизни чалғитадиган ҳамма нарсадан

юз угириб) имоннинг асосчиси ҳамда тугатувчиси бўлган Исога кўз тикайлик». Шубҳа ва имонсизлик, биз Худодан диққатимизни олганимизда юзага келади. Худонинг бизга ёрдам бериши ҳақидаги ваъдаларини унутсак, шубҳа ҳокимиятига тушиб қоламиз. Биз кўпроқ муаммоларимиз, қаршимиздаги мушкул масалалар тўғрисида ўйлай бошлаймиз ва имонимиз заифлашади. Ибронийларга мактуб 12:2, бизни доим Исо Масихга қарашга чорлаяпти. Шубҳалардан осонлик билан қутулишнинг ва имонни сақлашнинг йўли, Исо Масихга, Унинг эзгуликларига, бизга ёрдам беришга қодирлигига, бизга бўлган севгисига эътиборимизни қаратишимиз лозим. Муаммолар борлигини рад этиб бўлмайди, бироқ уларга ҳаддан зиёд кўп эътибор бериш керак эмас.

Шубҳа ва имонсизликдан яхши восита – имонимизни ўғирлайдиган ва Худонинг буйруқларидан чалғитадиган нарсаларга эътибор қаратмасликдир. Ёдингиздами: У – имоннинг асосчиси ҳамда тугатувчиси, шунинг учун бизда шубҳага ҳеч қандай ўрин бўлмаслиги зарур.

Ҳаворий Ёқуб ёзган: «Лекин ҳеч шубҳа қилмасдан, имон билан сўрасин, шубҳа қилувчи

киши шамол кўтараётган ва тўзитиб юбораётган денгиз тўлқинига ўхшайди. Бундай одам Раббийдан бирор нарса олишни умид ҳам қилмасин. Фикрида иккиланаётган одам ўзининг ҳамма йўлларида беқарордир» (Ёқуб 1:6-8). Биз ўз имонимизда мустаҳкам туришимиз ва ўзгарувчан шароитларга боғлиқ бўлмаслигимиз лозим. Юҳанно хушхабари 11:40 да, фақат имон билан Худонинг шарафини кўришимиз мумкин, дейилган.

## 7. Хавотирланиш

Ибодатларимиз жавобсиз қолишининг яна бир сабабларидан бири – бу хавотирланиш. Филиппиликларга мактуб 4:6 да: «Ҳеч нарса ҳақида ташвишланманглар ва *хавотирланманглар*, лекин ибодат, илтижо ва миннатдорчилик билан ҳамма нарсада ўз истакларингизни Худога билдиринглар» (ёзма ҳарфлар билан ёзилган сўз, менга – Д. Ж. га тегишли). Хавотирланиш (безовталаниш, ташвишланиш) эртанги кун қаршисидаги кўрқувни назарда тутаяди, Худованд эса биз ҳеч нарса учун хавотирга тушмаслигимизни истайди.

Ибодат қилиб бўлиб ҳам, хавотирланишни давом эттирсак, демак, биз имонсизликни кўрсатган бўламиз; демак, Унга тўлиқ таянмаганмиз ва елкамиздан ташвишлар юкини олиб ташламаганмиз. Биз одатда доим фикрларимизда муаммоларимизга қайтаверамиз ва вазиятни қўлга олишга уринамиз. Бундай ҳаракат қилиб, Худога тўлиқ ҳаракатланиши учун эркинликни бермаймиз ва ибодатларимизга Ўзи истаган тарзда жавоб бериши учун халақит берамиз. Биз Худога ишонаман, деймиз-у, шу билан бирга, У ҳеч қандай чора кўрмаганида, қўллайдиган эҳтиёт чорамизга эга бўламиз. Хавотирланиш – бу ўз муаммоларимиз ҳақида доимий равишда ўйлаб юришимизни билдиради. Ўз қийинчиликларингиз эмас, Худонинг Сўзи ҳақида фикр юритинг.

Ташвишланиш ва хавотирнинг тескариси – бу қалбимиздаги тинчлик ҳисобланади. Қалбимизда тинчликни ҳис этишни истасак, бутунги кун билан яшашни ўрганишимиз лозим. Исо Масих шундай деган: «Шундай экан, эртанги кун учун ташвишланманглар, чунки эртанги кун ўзи учун ўзи ташвишланади. Ҳар куннинг ўз ташвиши етарлидир» (Матто 6:34).



Исо Масиҳ бугунги кунни эртанги кун учун ташвишланиш билан ўтказманглар, деган. Ҳар кун ўзи билан етарлича ташвиш олиб келади, шундай экан, бизнинг кучимиз ва Раббийнинг инояти, фақат бугунги кун учун берилган муаммоларнинг уддасидан чиқишга етади, холос. Ҳар биримиз, нафақат белгиланган миқдордаги ташвишларга, шунингдек белгиланган миқдордаги иноятга ҳам эгамиз. Худованд бугун эрта учун иноят бермайди. Бугун учун олинган иноятдан фойдаланинг, эртанги кун учун ғам чекманг, Худога ибодатда ташвишларингизни тақдим этинг ва хавотирланиш билан уларни орқага қайтариб олманг.

## ***8. Миннатдорликнинг йўқлиги***

Миннатдорликнинг йўқлиги – бу ҳам муваффақиятли ибодатнинг тўсиғи ҳисобланади. Агар Худованд биз учун амалга оширган нарсаларни қадрламасак, Худованд биз учун яна бошқа нарсани амалга оширишининг нима кераги бор? Ва аксинча, Унинг барча ишлари учун юрагимизда миннатдорлик тўлиб-тошса, У бизларни янада кучли истак билан баракалайди.

Миннатдорликнинг йўқлиги, инсоннинг ички муаммолари борлигидан дарак беради. Одамлар нимагадир эга эмаслигидан жоврамайди ва нолимайдилар. Гап уларнинг хулқида. Художўй кишилар миннатдор бўлишни ва Худодан олган нарсани қадрлашни биладилар. Миннатдорлик диққатимизни Худога жамлаб туришимизга ёрдам беради.

Миннатдорликнинг йўқлики, аксинча, қоқиқмаслик ва норозилик билдириб яшашга олиб келади. Шикоятлар ва норозиликлар душманга эшикларни очади ва унга ҳаётимизни бошқаришига имкон беради, шундай экан, биз нолиганимизда, биз душман билан рози бўламиз, миннатдорлик сўзларини айтганимизда эса Худо билан рози бўламиз. Калом бизни кўп марта миннатдор бўлишга чорлаяпти. Миннатдор киши руҳда кучлидир. Шукр қилсак, Худованд биз учун берганидан ҳам кўпроқ нарсани яратишга қодир ва буни истайди.

Биз миннатдорлик ҳиссини сезмаганимизда ҳам, шукр қилишимиз мумкин. Ҳиссиётлар бизга панд бериши мумкин, бироқ биз ҳар доим тўғри йўл тутишимиз лозим. Бу қоидага риоя этишни бошламас эканмиз, биз ҳақиқатдан ҳам, Руҳ томонидан бошқарила олмаймиз.

Ҳаётида кўплаб азобларни бошидан кечирган Ҳаворий Повул, нолишга ҳақли эди, аммо у айтган: «...Менда бори билан қаноатланишга ўрганиб қолдим: мен етишмовчиликда ҳам, мўлчиликда ҳам қандай яшашни биламан. Ҳар ерда ва ҳамма нарсада тўқ бўлишни, очликка тоқат қилишни, мўлчиликда ва муҳтожликда бўлишни ўргандим» (Филиппиликларга 4:11). Ҳиссиётларимиз нима дейишидан қатъий назар, ҳар қандай вазиятда миннатдор бўлишимиз лозим. Чинакам миннатдорлик, нафақат ҳамма нарса яхши бўлганида, балки муаммолар, синовлар ва умидсизликлар билан тўқнашганимизда ҳам намоён бўлади. Худованд шукронамиз вазиятларга боғлиқ бўлмаганини кўриб, ибодатларимизга жавоб беради.

## ***9. Салбий сўзлар***

Салбий сўзлар ибодатимизнинг ютуғига таъсир қилади. Бизда шубҳа ва имонсизлик туғилганида, салбий сўзларни айтишни бошлаймиз, бу эса ибодатларимизга халақит беради. Худодан ёрдам беришини сўраб, сўнг: «Худованд мен учун ҳеч нарса қилмаслигидан

кўрқаман», десак – бу салбий сўзлашга киради. Бизнинг айтаётган сўзларимиз, биз тасаввур этганимиздан кўра анча кўпроқ – кучга эга. Ҳикматлар китобида айтилган: «Ўлим ва ҳаёт тилининг ҳоқимиятидадир ва уни севганлар унинг ҳосилидан татийдилар» (Ҳикматлар 18:21). Биз эътироф этаётган нарсаларга эга бўламиз, шунинг учун тилимизга эътибор беришимиз лозим.

Ишаъё китоби 53:7 да Исо Масиҳ тўғрисида ўқиймиз: «У эзилган ва қийноққа солинган эди, аммо оғзини очмас эди». «Исо Масиҳ оғзини очмаган» ва нолимаган, зеро билган: салбий сўзлар Худонинг режаси амалга ошишига ҳаляқит бериши ёки белгиланган муддатни орқага суриши мумкин. Унга келган синов оғир, азоблари эса – чидаб бўлмас қадар эди, аммо У нолимади.

Биз ҳам, юқорида айтилган Исо Масиҳ ҳақидаги сўзларга сазовор бўлиб яшашни ўрганишимиз лозим. Қийин синовлардан ўтаётиб, келинг: нолиш, шикоят қилиш, одамлар ҳақида ёмон гапириш ва Худонинг Сўзларини шубҳа остига қўйиш учун оғзимизни очмайлик. Айтаётган сўзларимиз, биздан алоҳида яшамайди.

Улар юрагимизда содир бўлаётган нарсаларни кўрсатиб туради. «Зеро юракнинг тўлалигидан тил гапиради» (Матто 12:34). Борди-ю, юрак шубҳага тўлган бўлса, бу салбий сўзлар сифатида тўкиб сочилади, имон билан тўлган юрак эса Худога бўлган имонимизни ва ишончимизни намоён этадиган сўзларни айтишга ундайди. Худованд ибодатларимизни эшитгач, ортидан салбий сўзларимизни эшитса, ибодатларимизга жавоб бермайди. Ибодатларимиз Унга бўлган имонга асосланган бўлса, У бизга бажонидил жавоб беради.

### ***10. Диққатни жамлай олмаслик***

Ибодатларимиз жавобсиз қолиб кетишининг яна бир сабабларидан бири, само билан алоқани йўқотмаслик учун диққатни жамлай олмаслик ҳисобланади. Биз тезда Худодан назаримизни олиб, юзаки сўзлар айтишни ёки атрофдаги содир бўлаётган нарсаларга чалғишни бошлаймиз. Биз Худованд билан гаплашамиз, аммо Унга диққатимизни қаратмаймиз, бу эса ибодатнинг жавобини қўлга киритишининг энг яхши усули эмас.

Мана, диққатни бир жойга тўплашнинг бир мисоли. Ҳайвон ўргатувчи қўлида учта буюм билан шернинг қафасига киради, булар: камчи, электрошокер ва тўрт ёки уч оёқли курси. У курсининг оёқларини шерга қаратиб ушлайди. Нима учун? Чунки шер фақат битта нарсага диққатини жамлай олиши мумкин. У қаршида курсининг бир нечта оёғини кўргач, бир жойда қотиб қолади ва ҳайвон ўргатувчига ташлана олмайди.

Биз қайсидир жиҳатдан шерга ўхшаймиз. Бизга ҳаддан зиёд кўп хабар ёғилганида, бир жойда қарахт бўлиб қоламиз. Агарда, битта нарсага диққатимизни қарата олмасак, шуғулланаётган нарсамизда маҳсулдорликка эришмаймиз. Ҳикматлар китоби 4:25-27 да, шундай дейилган: «Кўзларинг тўғрига қарасин (диққатингни мақсадга қарат) ва киприкларинг тўғри олдинга қаратилган бўлсин. Оёқларинг юрадиган йўлни пухта ўйла ва барча йўлларинг мустаҳкам бўлсин, ўннга ҳам, чапга ҳам ўтирилмагин; оёқларингни ёвузликдан йироқ қилгин».

Раббийдан бирор нарса олишни истасак, ибодатларимизнинг жавобини кутаётган бўлсак, биз нафақат ибодатда, балки ҳамма қила-

ётган ишларимизда ўз диққатимизни жамлашни билишимиз лозим. Даъватимиз нимадалигини аниқлашимиз, уни ҳаётимизнинг муҳим топшириғига айлантиришимиз, унга нисбатан диққатимизни тўплашимиз, у учун ибодат қилишимиз ва Худованд ибодатларимизга жавоб бериши ҳамда биз орқали буюк ишларни амалга оширишини кузатиб боришимиз лозим.

Сизнинг даъватингиз нимада эканини билиб олинг, уни амалга оширишга масъулият билан ёндошинг ва у ҳақда мунтазам равишда ибодат қилинг. Сизнинг ҳаётингизга, оилангизга, даъватингизга ҳеч кимнинг ибодати, ўзингизнинг шахсий ибодатларингиздек таъсир ўтказмайди. Повул Тимотийга хизмат қилишни буюрганида (1 Тимотий 4:15), ўзининг даъватига диққат қаратишини назарда тутган. Ибодат қудратли кучга эга бўлган лазер нурига ўхшайди, бироқ натижага эришиш учун уни бир неча вақт давомида аниқ мўлжалга йўналтириб туриш зарур. Худованд буюрган нарсага диққатингизни жамланг. Ибодатда диққатни бир жойга жамлаш улкан кучга эга.

## **11. Атрофдагилар учун гамхўрлик қилишни истамаслик**

И. М. Баундс ёзган: «Ҳамдардлик, одамларга нисбатан хайрихоҳлигимиздан келиб чиқади, у одамларга эътибор беради ва улар учун гамхўрлик қилади», шунингдек: «Ҳамдард киши – доимо ибодат қилишни истайди». Ибодатларимизга жавоб олишни хоҳласак, муҳтожларга ҳамдардлик ва эзгулик кўрсатишимиз зарур. «Ким қашшоқнинг фарёдини эшитишдан қулоғини ёпса, унинг ўзи ҳам фарёд қилади ва ҳеч ким жавоб бермайди» (Ҳикматлар 21:13). Каломдаги бу матн: Худованд ибодатларимизни эшитишини истасак, биздан оғирроқ аҳволдаги одамлар учун гамхўрлик қилишимиз кераклигини, аниқ қилиб айтаяпти.

Юҳаннонинг биринчи мактуби 3:17-18 да айтилган: «Агар бирор киши бу дунёда мулкка эга бўлса-ю (ҳаёт учун ҳама нарса билан таъминланган бўлса), биродарини муҳтожликда кўриб, ўз юрагини ундан ёпса, қандай қилиб у одамда Худонинг севгиси жо бўлар экан? Фарзандларим! Фақат сўзимиз ёки тилимиз билан эмас, балки амалда ва ҳақиқатда севайлик».



Муҳтож одамлар ҳақида эшитганимизда, биз юрагимизни ва қулоқларимизни ёпамиз, бу бир нечта сабабларга кўра содир бўлади. Биринчидан, бундай одамлар учун бошқалар ғамхўрлик қилиши мумкин, деб ўйлаймиз. Бироқ бошқалар бунга мажбур эмас. Айнан, Исо Масиҳнинг Жамоати камбағалларга ёрдам беришга вакиллик олган. Буни Худонинг мойланишига эга бўлмаган ҳукумат эмас, Унинг халқи қилиши керак. Иккинчидан, одамлар бизнинг яхшилигимизни суиистеъмол қилишдан кўрқамиз. Биз бунга йўл қўймаслигимиз лозим. Муқаддас Рухнинг ортидан эргашинг, тўғри деб билган йўлингизни тутинг, бошқаларга ёрдам беринг, шу билан бир қаторда, ҳеч кимга сиздан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишига ва сизнинг яхши муносабатингизни суиистеъмол қилишига рухсат берманг. Учинчидан, одамларга ёрдам бермаслигимизнинг сабаби, оддий дангасалик бўлиши мумкин. Дангасалик – Масиҳнинг амрини менсимасликка сабаб бўла олмайди, шундай экан, туринг ва муҳтожларга ёрдам беринг.

Баъзида, биз билган муҳтожликларимиз шу қадар кўпки, муҳтожларнинг қайси бирига ёр-

дам беришни билмай қоламиз ёки энг ёмони, уларга эътибор бермай қўямиз. Газета ва ахборот воситалари, доимий равишда фожеа ва ҳалокатлар тўғрисида маълумот бериб туради. Биз ҳар куни даҳшатли касалликлар, авто ҳалокатлар, ер қимирлашлари, сувости зилзилалари, ёнғинлар, сув тошқинлари, кўчишлар, қуюнлар, бўронлар ва бошқа офатлар ҳақида эшитамиз.

Худованд ҳар биримизга ачина оладиган юрак берган. Юҳаннонинг биринчи мактуби 3:17 да, одамларнинг муҳтожликларини кўрганда, раҳмдил юракларимизни ёпмаслигимиз кераклиги айтилган. Шайтон бизнинг севгимиз совушини истайди. Матто: «Қонунбузарликнинг кўпайиши туфайли кўпларда севги совуиди» (Матто 24:12), деб ёзган. Юракнинг бешафқат бўлиб қолмаслигига ва севгининг совумаслигига йўл қўймасликнинг энг яхши йўли – бизга нисбатан ночорроқ бўлган одамларга фаол тарзда ёрдам беришдир. Атрофдагиларнинг муҳтожликларига эътиборсиз бўлманг, юрагингни ёпманг ва севгингни совушига йўл қўйманг. Зийрак ва кўнгилчан бўлинг.

Ёқуб мактубида, Худонинг қаршисида чинакам диёнатнинг сири – «етимларнинг ва бе-

валарнинг қайғуларида уларга ғамхўрлик қилиш», деб очиб берилган (Ёқуб 1:27). Етимлар ва бевалар – бу икки тоифадаги кишилар – Худованд учун катта аҳамиятга эга, шунинг учун Каломда улар ҳақида кўп марта айтиб ўтилган. Аммо менимча, бу ерда етимлар ва бевалар, деб ҳамма бечора, қийналган, ёлғиз ва муҳтож одамлар назарда тутилган. Агар биз уларга Худонинг севгиси билан муносабатда бўлмасак, бу ибодатларимизга тўсиқ яратади. Биз муҳтожларга, айниқса етим ва беваларга кўмаклашишимиз керак. Уларга кўмаклашиб, Худонинг севгисини намоён этамиз ва У ибодатларимизга жавоб беради.

«Мана, Мен танлаган рўза: Қонунбузарлик кишанларини очгин, бўйинтуруқ занжирларини ечгин, жабрланганларни озодликка қўйиб юбор ва ҳар қандай бўйинтуруқни узгин, нонингни оч билан баҳам кўр ва дарбадар юрган қашшоқни ўз уйинга киргизгин. Яланғочни кўрганингда, уни кийинтиргин ва ўз қариндошингдан (унинг муҳтожлигидан) яширинмагин. Шунда сенинг нурунг тонг каби ёриб чиқади ва шифойинг (янги ҳаётдаги тикланиш ва кучга тўлишиш) тезда ўсиб боради, сенинг

ҳақлигинг (сенинг ҳақиқатинг, адолатинг, Худованд билан тўғри муносабатларинг) сенинг олдиндан боради (сени тинчликка ва фаровонликка етаклайди) ва Раббийнинг шуҳрати сенга ҳамроҳ бўлади. Шунда сен Раббийни чақирасан ва У сенга жавоб беради, сен фарёд қиласан ва У: «Мана, Мен», – дейди. Сен ўз орангдан бўйинтуруқни олиб ташлаганингда, бармоғингни чўзиб, ҳақорат сўзларини гапиришни бас қилганингда» (Ишаъё 58:6-9).

## ***12. Итоатсизлик***

Ҳокимиятга бўйсунмаслик – ибодатларимизга жавоб олиш учун жиддий тўсиқ ҳисобланади. Итоаткор юрак, итоатсиз юракдан фарқли ўлароқ, Худонинг қаршисида кўнувчан ва Унинг иродасига эргашувчан бўлади. Итоатсиз инсон атайин бўйсунмасликни кўрсатади, Худога эса бундай муносабат маъқул эмас. Итоатсизлик менинг ибодатларимнинг ютуғига ва Худованд билан муносабатларимга ҳам тўсиқ бўлган бўлар эди. Борди-ю, атайин эримга бўйсунмай, бундай ишим учун ундан ва Худодан кечирим сўрамасам, саҳнага чиқиб, одамлар-

га Худонинг Сўзини ўргатишга кўрққан бўлар эдим. Мен ўзимни бундай тутишни эп кўрмайман, чунки бу душман менга хужум қилишига йўл очадиган гуноҳ ҳисобланади. Мен Худонинг ҳимояси остида юришни истайман. Худонинг қаршисида юрагимиз пок ва ибодатларимиз – муваффақиятли бўлиши учун бизнинг устимиздан тайинланган ҳокимиятга бўйсуншимиз лозим.

### ***13. Кечиримсизлик***

Самарали ибодатнинг муҳим таркибий қисми – севги, яъни қолган бошқа нарсалар билан бир қаторда, кечира олиш қобилияти. Шунга яраша, кечиримсизлик – ибодатларимиз жавобсиз қолиб кетишининг энг биринчи сабаби бўлиши мумкин. Имонлилар, қолган бошқа нарсалардан кўра хафагарчилик туфайли кўп нарсани йўқотадилар, деб тахмин қилишдан кўрқмайман. Одамларни кечириш – Худованд бизга қандай муносабатда бўлса, биз ҳам одамларга шундай муносабатда бўлишимиз кераклигини билдиради. Ўйлайманки, кечирим тўғрисидаги аниқ буйруқни

Эфесликларга мактуб 4:32 да топишимиз мумкин: «Худо сизларни Масихда кечиргани каби сизлар ҳам бир-бирингизни (бажонидил ва олийжаноблик билан) кечиринглар».

Биз мукамал бўлмаган одамлар билан тўла, бузуқ дунёда яшаётган эканмиз, озор, ҳақорат, таҳдид ва сотқинликлардан қочиб қутула олмаймиз. Бизда жаҳлланиш учун ҳамма сабаблар бўлиши мумкин, бироқ жаҳлдан халос бўлишни истамасак, бу ғазабга ва яширин хафагарчиликка олиб келади, булар эса ўз навбатида, ибодатларимизга тўсиқ яратади. Эфесликлар мактуби 4:26, бизни чорлаяпти: «Ғазабланиб гуноҳ қилманглар: ғазабингизда (аччиқланиш, қаҳр, ёмон кўришда) қуёш ботмасин». Худованддан жавоб олишни истасак, юрагимизда ғазаб ва хафагарчиликка жой бўлмаслиги керак. Исо Масих бу ҳақда тўғридан-тўғри деган: «Ибодатда турганларингизда, агар бирор кишига қарши даъвойингиз бўлса, кечиринглар, токи сизнинг Осмондаги Отангиз ҳам сизнинг гуноҳларингизни кечирсин» (Марк 11:25). Сизни қанчалик хафа қилган бўлмасин, кечиринг ва бу ҳақда бошқа эсламанг. Кечириш ҳисси, ўз-ўзидан туғилишини кутиб

ўтирманг. Кечирим – ҳиссиётмизнинг турткиси эмас, балки иродамизнинг қарори. Бизни хафа қилганларни кечириб, ибодатларимиз керакли манзилга етиб бориши учун замин яратган бўламыз.

## **14. Мағрурлик**

Пётрнинг биринчи мактуби 5:5 да айтилган: «Худо мағрурларга қаршилиқ қилади, камтарларга эса иноят беради». Бу оятдан хулоса қилиб, мағрурлик – ибодат учун жиддий тўсиқ, десак бўлади. Мағрурлик ибодатнинг йўлидаги тўсиқ бўлса, камтарлик эса ибодат учун йўл очади. Мағрурлик, биз Худога ёки бошқа бировга муҳтож эмаслигимизни назарда тутади. Мағрурлик қилиб, биз ўзимизни мустақил ҳисоблаймиз ва фақат ўзимизга таянамиз ҳамда ўзимизни бошқалардан устун қўямиз. Мағрурлик – жиддий гуноҳ саналади. Буни Каломдаги жуда кўп оятлар тасдиқлайди, айниқса, уларнинг орасида бир матн, тўғридан-тўғри шу мавзуга қаратилган. Ҳикматлар китоби 16:5: «Юраги мағрур ҳар бир одам Раббий учун жирканчдир. Кафил бўлиш мумкинки, у жазосиз қолмайди».

Мағрурлик ибодатларимизни беҳудага чиқаради. Худодан жавоб олишни истасак, мағрурликдан халос бўлишимиз лозим. Гуноҳдан юз ўгиришнинг, ёмон одатлардан ва нотўғри тафаккурдан халос бўлишнинг энг яхши йўли – Худодан кечирим сўраш ҳамда ўзимизда бошқача сифатларни, одатларни ва тафаккур андазасини шакллантиришдир. Мағрурлик гуноҳдан покланишни истасак, Худодан бизни камтар бўлишга ўргатишини сўраш ва бу хислатни ўзимизда ривожлантиришимиз лозим. Камтарлик, нафақат Худованд билан муносабатларимизда, балки атрофдаги одамлар билан мулоқотимизда ҳам намоён бўлиши керак.

Ўзимизда камтарликни ривожлантиришнинг энг самарали усули – бу эътироф этиш. Ёқубнинг мактуби 5:16 да айтилган: «Бир-бирингизга гуноҳларингизни (йиқилишларингиз, айбларингиз ва хатоларингизни) эътироф этинглар ва шифо топишингиз (онгингизда ва юрагингизда руҳий мувозанатни тиклаш) учун бир-бирингиз учун ибодат қилинглар». Шифо ва тикланиш, бу эътироф ва ибодатнинг ҳосили бўлса, унда биз буни қилишимиз зарур.

Эътироф этиш учун бизга ўз гуноҳларимизга иқрор бўлишда, биз ишонадиган одам ке-



рак. Шунингдек, мағрурликни ўзимиздан олиб ташлашимиз ва ўз заифликларимизни тан олишимиз керак. Агар бу нарса сизга имконсиз туюлса, Худодан ўзингизда камтарликни шакллантиришга куч сўранг. Хатоларингизни эътироф эта оладиган дўст топинг: «Менда бир муаммо бор, менга ҳозир жуда оғир. Сен мен учун ибодат қилишингни истар эдим»; бу ақл бовар қилмас натижаларга олиб келади.

Бир пайтлар, мен дугонамга бўлган ҳасаддан халос бўлишга уринганман. У доимо, айнан мен хоҳлаган ва мен Худодан сўраган нарсаларга эга бўлар эди. Мен ҳасад қилиш нотўғрилигини билиб турсам ҳам, мен истаган нарсани, мен эмас, у олганидан хафа бўлмасликнинг иложи йўқ эди. Ҳасад менда унга нисбатан душманлик ҳиссини уйғотди. Бир куни, Ёқубнинг мактуби 5:16 ни ўқиб, мен камтар бўлишим ва бирор кишидан, мен учун ибодат қилишини сўрашим кераклигини тушундим. Бу муаммони Худонинг қаршисида тан олишга кучим етар эди, бироқ бу ҳақда бирор кишига айтиш, мен учун осон эмас эди (бу мағрурлик аломати эди). Мен эримнинг олдида бордим ва дугонамга ҳасад қилаётганимга иқроп бўл-

дим. Мен бу гуноҳ эканини тан олдим ва ундан мен учун ибодат қилишини сўрадим. Бундай йўл тутиб, мен ўзимни жуда ноқулай ҳис этган бўлсам-да, бироқ оғир юкни елкамдан олиб ташладим.

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, сизни ишонтириб айтаманки: у ёки бу муаммони ечишнинг уддасидан чиқа олмаётган бўлсангиз, шунга кўнинг ва сиз учун ибодат қила оладиган, сиз ҳақда ғийбат қилиб, муаммонгизни бошқаларга ёймайдиган, сиз чиндан ҳам ишонадиган кишининг олдига боринг. У билан ўз кечинмаларингизни бўлишинг ва ундан сиз учун ибодат қилишини, илтимос қилинг.

Ишончли одамга ўз сирларингизни очишдан уялманг. Бу мағрурликни олиб ташлаб, камтарликни намоён қилишнинг яхши йўлига киради. Бир марта менинг ёнимга, мен ҳурмат қиладиган киши келди ва деди: «Биласанми, мен ўз муаммоларим ҳақида ким биландир бўлишим зарур. Менинг хизматим шайтоннинг кучига путур етказишига ишонаман». Бу киши тез-тез узоқ вақтга сафарда бўлар эди ва у шундай деб, тан олди: «Мен узоқ вақт хотинимдан йироқда бўлганимда, онгимга бошқа

аёллар ҳақидаги фикрлар кела бошлайди. Мен аэропортда бирор аёлни кўрганимда, шу заҳоти, фикрларим бошқа томонга кетиши мумкин. Мен бундай ўйлашни истамайман, бироқ ўша пайт ўзимни бошқара олмайман». Мен у билан биргаликда ибодат қилдим ва кейинроқ, у менга деди: «Сенга ўзимнинг муаммомни айтганимдан сўнг, сезиларли даражада яхши томонга ўзгаришни кўрдим». Ўйлайманки, агар ўз муаммо ва кечинмаларингиз билан шунчаки бўлишсангиз, сизнинг ҳаётингизда ҳам кўп нарса яхши томонга ўзгаради. Биз вазиятларимизни ўзимиз ечмоқчи бўлиб, хатоларимизни бошқалардан яширишимиз шайтонга ёқади. У биз ўзимиз бунинг уддасидан чиқа олмаслигимизни, мағрурлик ўзгаришларга эришишга халақит беришини билади. Биз ёрдам сўраганимизда, камтарлик кўрсатган бўламиз – бу Худони қувонтиради ва ҳамма қийинчиликлардан ўтишга ёрдам бера оладиган, Унинг кучини вужудга келтиради.

Ҳаммамиз ёрдамга муҳтожмиз. Ҳаммага вас-васалар келади. Балки, сизнинг кечинмаларингиз ва хатоларингиз бошқаларникидан ҳеч ҳам фарқ қилмаслиги мумкин. Худованд бир-би-

римизга муҳтож бўлишимиз учун бизни битта оила қилди. Баъзида, шароитларнинг юкини кўтаришга, шунчаки кучимиз етмайди, бироқ баъзида, ёрдам сўраш учун ҳаддан ташқари қайсар ва мағрур бўламиз. Ёдингизда бўлсин: Худованд мағрурларга қарши чиқади; мағрурлик ибодатларимиз учун ўтиб бўлмас тўсиқ яратади. Худованд камтарларнинг ибодатини эшитади ва жавобан Ўз иноятини юборади.

### ***Қисқа хулосалар***

Ибодатнинг жавобини олиш йўлида бир қатор тўсиқлар мавжуд. Умид қиламанки, улар ҳақида батафсил билиб олиб, улардан қочишга ҳаракат қиласиз. Ибодатларингиз тирик ва маҳсулдор бўлиши учун ҳамма имкониятни ишлатинг ҳамда уларга тўсиқ бўладиган нарсалардан, мумкин қадар қутулишга ҳаракат қилинг.

### ***Ибодатга оид фойдали фикрлар***

- ***Биз самарали ибодатнинг, нафақат калитлари, шу билан бирга Худодан жавоб олишга халақит берадиган тўсиқлар ҳақида ҳам билишимиз лозим.***

- *Биз ибодат қилмасак, Худованд бизга жавоб бермайди.*
- *Иккиланиш жавоб олишимизга халақит беради. Модомики, Исо Масихнинг ҳақлигига эга эканмиз, Худонинг олдига дадиллик билан келишимиз ва аминлик билан ибодат қилишимиз мумкин.*
- *Биз гуноҳлардан халос бўлишимиз лозим, зеро ҳар қандай гуноҳ, ҳатто билмасдан қилингани ҳам, Худованд билан муносабатларимизга тўсиқ бўлади.*
- *Ибодатларимизга жавоб олишни истасак, улар Худонинг иродасига ва Унинг табиатига зид бўлмаслигига эътибор беришимиз лозим.*
- *Нотўғри мақсадлар билан қилинган ибодат, ўз манзилига етиб бормайди. Бизнинг юракларимиз покликда ва ибодатларимиз ҳаққонийликда бўлиши лозим.*
- *Шубҳа ва имонсизлик – ибодатга жавоб олиш учун тўсиқ саналади. Биз имон билан ибодат қилишимиз ва душман бизга шубҳалар сингдиришига йўл қўймаслигимиз керак.*
- *Хавотир Худодан жавоб олишга халақит беради, зеро у имонимизни сусайтиради ва*

доимо ўз муаммоларимиз ҳақида ўйлашга ундайди.

- Миннатдорликнинг йўқлиги, инсоннинг ички муаммолари борлигидан дарак беради. Миннатдор юрак – ибодатга жавоб олишининг муҳим шартини ҳисобланади.
- Бизнинг сўзларимиз юрагимизнинг ҳолатини намоён этади; салбий сўзлар ибодатимизнинг ютуғига тўсиқ бўлади.
- Диққатни жамлай олмаслик ибодатларимиз учун тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Агар биз осонликча чалғийдиган бўлсак ва ибодатда соботлиликни кўрсатмасак, Худодан бирор нарса олишимиз, амри маҳол.
- Худонинг фарзандлари камбағал ва бечоралар учун гамхўрлик қилишга чақирилган. Борди-ю, биз уларга ёрдам бермасак, Худованд илтимосларимизни эшитмайди ва уларга жавоб бермайди.
- Итлоотсизлик ибодатларимизни беҳудага чиқаради. Биз ҳокимиятга бўйсунмасак, Худованд бизни баракалай олмайди.
- Хафагарчилик ибодатнинг энг жиддий тўсиғи бўлиши мумкин. Бизга Худованд қандай муносабатда бўлса, биз ҳам бошқа-

*ларга шундай муносабатда бўлишимиз ва  
бизни хафа қилганларни кечиришга тайёр  
туришимиз лозим.*

- *Мағрурлик ибодат учун тўсиқ яратади,  
камтарлик эса Худонинг иноятини ўзига  
тортади.*

## ИККИНЧИ БОБ

### Ибодатдаги ғалабага тўлиқ ишонч

Сизнинг душманингиз борлигини биласизми? У кўринмас, бироқ бутунлай ҳақиқий. Бу ҳақда Эфесликларга мактуб 6:12 да ўқиймиз: «чунки бизнинг жангимиз қону танага қарши эмас (жисмоний душманларга қарши эмас), балки бу дунёдаги зулматни бошқарадиган бошлиқларга, ҳокимлару ҳокимиятларга ва самовий (руҳий) оламдаги ёвузлик руҳларига қаршидир».

Душманимизнинг исми – шайтон. У руҳий мавжудот бўлиб, зулмат кучларининг ҳокими ҳисобланади. Унинг мақсади – Худонинг халқини қириб ташлаш. У Худованддан ва барча Унга ишонадиган одамлардан нафратланади. Бу душманда сизни қириб ташлаш, никоҳингизни ва оилангизни бузиш, соғлигингизни, моддий фаровонлигингизни ва ҳаётингиздаги қолган барча соҳаларни бузиш бўйича режа бор. Лекин сизга яхши хабар етказмоқчиман: сиз унинг режаларига ибодатнинг кучи билан халал беришингиз мумкин. Шайтон – дарға-



заб душман. У бутун жаҳлини имонлиларга тўкиб-солади, аммо дўзахнинг бутун жазаваси ҳам, имонга тўлган оддий ибодатнинг қарши-сида бардош бера олмайди. Вочман Ни ёзган: «Худовандга етиб борган ибодатлар шайтоннинг режаларини барбод қилади. Худованд ибодатларимизга жавоб бера туриб, шайтоннинг ёвуз режаларини бузади, бинобарин, шайтон бизга зарар етказа олмайди. Биз ибодатда қўлга киритадиган нарсаларнинг ҳаммаси, шайтон учун йўқотишга киради.

### ***Бизнинг руҳий қурооларимиз***

Эфесликларга мактуб 6:13, бизни «ёвуз кунда» душманга қарши туришга чақираяпти. Ёвуз кун деб, нимани назарда тутаяпти. Менимча, бу ҳаётимиздаги шайтон ҳужум қиладиган ҳар қандай давр. Бу жисмоний, ақлий, ҳиссий ёки руҳий даражада бўлиши мумкин. Унинг ҳужумларига қандай қарши туриш мумкин? Руҳий қурооллар орқали, чунки жанг руҳий соҳада бораёпти. Коринфликларга иккинчи мактуб 10:4 да айтилган: «Чунки жангимиздаги қурооллар тана измига оид эмас, балки

истехкомларни барбод қилиш учун Худо томонидан қудратлидир». Келинг, кўламимизда бўлиши керак бўлган учта энг кучли руҳий қуролларни кўриб чиқамиз: Худонинг Сўзи, Исо Масихнинг номи ва Исо Масихнинг қони.

### ***Биринчи қурол: Худонинг Сўзи***

Худонинг Сўзи – қудратли руҳий қурол. Эндрю Мюррей ёзган: «Худованд – ушбу сўзларнинг чуқур маносидан келиб чиқиб, ҳамма нарса ҳаёт, куч, руҳ ва ҳақиқат саналган бепоён Мавжудликдир. Худованд Ўзини сўзлари орқали очганида, У бу сўзларни қабул қиладиган кишига, чиндан ҳам, Ўзини – Ўз севгисини, ҳаётини, иродасини ва кучини тақдим этади». Худонинг Сўзида, Унинг севгиси, ҳаёти, иродаси ва кучини топамиз ва барча санаб ўтилганларни, Унинг Сўзида қабул қиламиз. Унинг Сўзининг кучи беқиёсдир.

«Зеро Худонинг сўзи жонли ва таъсирчан бўлиб, ҳар қандай дудама қиличдан ҳам ўткирроқдир. У жон ҳамда руҳ орасини, бўғинлар ҳамда иликларнинг орасини бўлишгача суқилиб киради ва юракдаги ўйу ниятларни фош

қилади» (Ибронийларга 4:12). Дудама қилич нимага қодирлиги ҳақида ўйлаб кўринг! Биз Сўзни билсак, унинг ҳақиқатларига ишонсак, унинг ҳокимиятига бўйсунсак, душманга гулдурос мағлубият келтиришимиз, турган гап. Унга Сўз ёрдамида қарши туриш ва шундай қилиб, унинг устидан ғалаба қозонасиз. Шайтон нотўғри фикрларни сингдириб, бизни алдашни истайди, биз эса Худонинг Сўзи билан жавоб қайтаришимиз мумкин ва шарт. Йермияҳ китоби 23:28 да айтилган: «...Кимда Менинг сўзим бўлса, Менинг сўзимни аниқ сўзласин...» Худонинг Сўзи – бу дудама қилич бўлиб, биз нафақат, унга эга бўлишимиз, балки ундан моҳирона фойдалана олишимиз керак (Ибронийларга 4:12). Биз Сўзни эълон қилганимиздан, ўша қиличдан фойдаланган бўламиз. Эфесликларга мактуб 6:17 да, «Худонинг Каломи бўлган» руҳий қилич ҳақида айтилган. Ўзимнинг «Сўз, исм, қон» номли китобимда, «Руҳнинг қиличи» ва бу жумла амалда қандай қўлланилиши ҳақида ёзганман: «Мен имонли кишида яшаётган Муқаддас Рух, Каломни ҳар битта вазиятда қандай тўғри ишлатишни билади, деб ҳисоблайман. У имонлилар, айнан қан-

дай хужум остида қолганини, жуда яхши биледи...» У билан ибодат орқали суҳбатлашаётиб, Унинг бизни тўғри йўлга бошлаётган овозини эшитамиз. Мисол учун, биз хавф остида бўлсак, Унинг: «Қўрқувга берилма! Менинг Сўзим қўрқмасликни буюрганини, унутма», деб чорлаётганини эшитишимиз мумкин.

Луқо Хушхабарининг тўртинчи бобида, Муқаддас Рух Исо Масихни қирқ кунга чўлга олиб кетгани ҳақида ёзилган. Исо Масих чўлда васвасаларга дуч келган. Ҳар сафар шайтон Уни васвасага солганида, Исо Масих унга «ёзилган» деган сўз билан жавоб берган, шундан сўнг, Каломдаги матнларни эълон этган. Шундан хулоса қилиб, васвасалар такрорланиб турадиган кўринишда келади, дейиш мумкин. Луқо Хушхабари 4:13 да ёзилган: «Шунда иблис барча васвасаларини (бир мавсумни) тамом қилгач, (кейинги қулай фурсатни пойлаб) вақтинча Исодан узоқлашди». Шайтон бизга чексиз равишда хужум қилишга тайёр. Биз унга муваффақият билан қаршилиқ кўрсатишимиз ва ҳақиқатда мустаҳкам туришимиз зарур. У бизни қанчадир вақтга тинч қўяди, бироқ биз, яхшиси заифлашмаслигимиз ва ҳушёрликни

йўқотмаслигимиз керак. У қайтиб келиш учун қулай пайтни кутаётгани ва бизни енгишнинг янги йўларини ишга солишини билиб, зийрак бўлишимиз керак.

«Қачон шайтоннинг хужумларига чидашдан қутиламиз?» – деб ўйлаймиз. Самога борганимизда қутуламиз. Шайтон мени, ҳеч қачон васвасага солмаганида, бу хавотирланиш учун сабаб, деб билган бўлар эдим. Унинг ҳаракатлари менга ўнғайсизликлар келтирмаётгани учун эмас, аксинча мен унга ўнғайсизлик келтирмаётганим учун хавотирланишим керак. Мен унга бирорта ўнғайсизлик келтирмаётган бўлсам, демак, мен Худованднинг иродасини бажарма-япман.

Душман бизни таъқиб қилишига ва ҳаётимизнинг охиригача бизга ташланиб ўтишига қарамай, биз унга қарши зарба беришимиз, монелик кўрсатишимиз, уни чекинишга мажбур этишимиз мумкин. Биз унга қарши, у бардош бера олмайдиган қурол билан курашишимиз мумкин. Сиз уни орқага қочишга юз тутишини истасангиз, уни мағлубиятини эслатадиган, Худонинг Сўзидан фойдаланинг. Мисоллар келтираман:

- Колосаликларга 2:15: «Хукмронликлар ва ҳоқимиятлардан қуроллари ни тортиб олиб, уларнинг устидан (Ўзи ва хоч билан) тантана қилиб, уларни ошкор шарманда қилди».
- 1 Юҳанно 4:4: «...Ичингизда Бўлган бу дунёда бўлгандан устундир (кучлидир)».
- Ишаъё 54:17: «Сенга қарши ясалган бирор-та қурол муваффақиятли бўлмайди. Сен билан судда тортишадиган ҳар қандай тилни сен айблайсан. Бу Раббийнинг қулларининг меросидир! Уларнинг оқланиши Мендандир».
- 1 Юҳанно 3:8: «Худонинг Ўгли иблисининг ишларини барбод қилиш (бекор этиш, бузиш) учун зоҳир бўлди».
- Колосаликларга 1:13: «У бизни зулмат ҳукмронлигидан халос қилиб, севимли Ўглининг Шоҳлигига олиб кирди».
- Ибронийларга 4:12: «Зеро Худонинг сўзи жонли ва таъсирчан (у ҳаракатчан, мустаҳкам ва самарали) бўлиб, ҳар қандай дудама қиличдан ҳам ўткирроқдир. У жон ҳамда руҳ орасини, бўгинлар ҳамда иликларнинг орасини бўлишгача суқилиб киради».

- *2 Коринфликларга 2:14: «Лекин Худога шукроналар бўлсинки, У бизни Масихда ҳаммаша зафарона тантанада олиб юрмоқда ва ҳар жойда Ўзи ҳақидаги билимнинг хушбўй ҳидини биз орқали тарқатмоқда».*

Худонинг Сўзи ҳаётимизни ўзгартириш ва душманни енгиш кучига эга. Сўзни, нафақат билишимиз, шу билан бирга унга ишонимиз ва итоат қилишимиз лозим. Сўзга итоаткорлигимиз, Худонинг амрларининг пайида бўлишимиз ва Унга маъқул ишларни қилишимизда намоён бўлади. Биз Сўзни билсак, Унга ишонсак ва итоат этсак, бу кўзларимиз ва юракларимиз Унга тикилганини билдиради ва шу аснода, У бизга ғалаба қозонишга ёрдам беради.

Сўзни ўрганинг. Уни онгингиз ва юрагингиз билан таниб-билинг. Уни севинг, ёд олинг ва ҳақиқатни бутун борлигингизга сингдириб боринг, шунда у ибодатларингизнинг ажралмас қисмига айланади.

## ***Иккинчи қурол: Исо Масихнинг исми***

Бир куни, мен дарс берадиган библия коллежида ўқийдиган дўстим, уч ёки тўртга кир-

ган ўғли билан машинасида кетаётган бўлган. У ўғлини олдинги ўриндиққа ўтқизган ва эшикни яхши ёпмаган. Ўша пайтлар, ҳали хавфсизлик камари ҳақидаги қонун қабул қилинмаган эди, шунинг учун болани камар билан ҳам боғлаб қўймаган. Дўстим машинани чорсида кескин бурганида, эшик очилиб, бола одамлар билан гавжум йўлнинг ўртасига отилиб тушган. Дўстим охири лаҳзада, ўғли томонга қараб, катта тезликда келаётган машинани кўрган. У эса: «Исо Масих», деб қичқиришга улгурган, холос.

Машинани тўхтатиб, боласининг олди-га югурган. Бахтига, унга ҳеч нарса қилмаган. Лекин боладан ярим метрда тўхтаган автомобилдаги эркак асабий ҳолда қотиб қолган эди. Дўстим уни тинчлантиришга уринган: «Фарзандимга ҳеч нарса қилмабди. Хавотир олманг. Худога шукр, сиз вақтида тўхтатишга улгурдингиз». Бунга жавобан, эркак деган: «Мен, ҳатто тормозга текканим ҳам йўқ».

Исо Масихнинг исмида ақл бовар қилмас куч яширинган! Унинг исми, қолган барча исмлардан устун ва унинг кучи тенгсиз. Ёлғиз шу исм қаршисида, ҳамма одамлар ва ҳокимиятлар тиз



чўкади. Филиппиликларга мактуб 2:9-10 да, Худованд Исо Масихни «Уни жуда юксалтирди ва Унга ҳар қандай номдан юқори бўлган номни ато этди, токи Исонинг номи олдида самодаги, ердаги ва ер остидаги ҳар қандай зот тиз чўксин», деб айтилган.

Повул Эфесдаги имонлилар учун ибодатида, Худодан «Уни таниб-билиш учун донолик ва ваҳий Руҳини» сўраган, токи «сизлар Унинг даъватининг умиди нимадан иборат эканини ва муқаддаслар учун бўлган, Унинг мероси шуҳратининг бойлиги қандай эканлигини билиб олинглар ва У фаҳмлашингизнинг кўзларини ёритсин». У яна шундай ибодат қилган: «Худонинг қодирлигининг қудрати бўйича биз, имонлиларда ҳаракат қилаётган Унинг кучининг чексиз буюклигини пайқаб олинглар. Худо Масихда ўша куч-қудратни амалда шундай кўрсатдики, Уни ўликлардан тирилтириб, самода, Ўзининг ўнг томонига ўтқазиб, ҳар қандай бошлиқ ва ҳокимият, куч ва салтанатдан, нафақат бу дунёда, балки келгуси дунёда ҳам номланадиган ҳар қандай номлардан юқори қўйди» (Эфесликларга 2:17-21).

Повул Филиппиликларга мактуб иккинчи боб ва Эфесликларга мактуб биринчи бобларда, бизга нимани етказишга уринаётганини тушунсак ва Исо Масихнинг номи ҳар қандай номдан юқори эканига ишонсак, Унинг исмида бизга қандай улкан куч берилганининг гувоҳи бўламиз. «Ҳар қандай номдан юқори ном» жумласи нимани билдиради? Бу Исо Масихнинг номи ҳар қандай касалликдан, камбағалликдан, гиёҳвандликдан, ажралишдан ва бошқалардан юқори дегани. Исо Масихнинг номи, ҳамма айтадиган номларимиздан устун туради. Биз сизлар билан Унинг исмини олиб юрибмиз, зеро У биз учун Ўз ҳаётини қурбон қилди. Биз Исо Масихнинг Исмидан келадиган кучни билсак, йўлларимиздаги ҳар қандай тўсиқни осонлик билан енгиб ўтамиз.

Исо Масих шогирдлари билан суҳбат қуриб ва У бир куни, бу дунёни тарк этиши ҳақида уларни огоҳлантириб, деди: «Ўша куни сизлар Мендан ҳеч нарса ҳақида сўрамайсизлар (Мендан ҳеч нарсани сўрашингизнинг ҳожати бўлмайди). Ростини, сизларга ростини айтаман, Менинг номим билан (Менинг Шахсим ва табиатимга таяниб) Отамдан нимаики сўра-

сангиз, У сизларга беради. Шу вақтгача сизлар Менинг номим билан ҳеч нарса сўрамаган эдингиз. Энди сўранглар ва оласизлар, токи қувончингиз (бахт ва хурсандчилигингиз) тўлиқ бўлсин» (Юҳанно 16:23-24).

Исо Масиҳнинг сўзларини ўзгача тарзда ифодалайман: «Мендан бирор нарса ҳақида сўраб ўтиришингизнинг ҳожати йўқ. Сиз Отанинг олдига Менинг исмим билан боришингиз мумкин. Менинг исмимни айтиб, сизлар ўзингизнинг шахсий ишларингизга эмас, балки Менинг ишларимга ва Менинг табиатимга асосланасизлар».

Ҳар сафар, Исо Масиҳнинг номи билан ибодат қилганимда, дейман: «Раббий, қаршингда, Исо Масиҳнинг қўлга киритган ғалабасига таяниб турибман. Мен У билан бирга ҳамворисман. Мен бу меросга лойиқ эмасман, лекин У буни қўлга киритди, менинг номимга васиятнома ёзди ва уни Ўзининг қони билан тасдиқлади. Мен дадиллик билан ибодат қиламан ва ибодатларим қудратли кучга эга эканини биламан, зеро Исо Масиҳнинг номи, мен билган ҳар қандай номдан юқори». Бу айтилганлар, сизга ҳам тегишли.

Исо Масиҳнинг номи билан ибодат қилганимизда ва Ундан ниманидир сўраганимизда, Отага Унинг Шахсига ишора қиламиз, Унинг табиатига асосланамиз, буни биз худди Исо Масиҳнинг Ўзи Отадан ниманидир сўрагандек, сўраймиз. Биз Отага, кўриб чиқиш учун ўзимизнинг эмас, Исо Масиҳнинг Шахсини тақдим этамиз. Биз ҳамма нарсани тўғри қилмаган тақдирда ҳам, Исо Масиҳнинг номи билан муурожаат этаётганимиз учун Худованд бизни эшитишига ишонишимиз мумкин. Унинг амалга оширган ишлари, бизнинг ҳар қандай қилмишларимиздан ошиб кетади, Унинг мукамаллиги эса бизнинг нуқсонларимизнинг ўрнини қоплайди.

Исо Масиҳнинг исми Унинг Шахсини (Унинг ҳақлиги, мукамаллиги, инояти ва севгисини) акс эттирар экан, демак, Унинг исми улкан қудратга эга. Менинг ёки сизнинг исмингизда куч йўқ, лекин Исо Масиҳнинг исмида куч бор, зеро бу исм Унинг обрўсини ва табиатини акс эттиради. Эндрю Мюррей ёзганидек, «шоҳнинг исмида унинг обрўйи, кучи ва шоҳлиги ўз аксини топган. Унинг исми, унинг ҳокимиятининг тимсолидир. Масиҳнинг исми – бу

Унинг амалга оширган ишларини ва У нима учун яшаётганини намоён этади». У давом этиб, дейди: «Ўз номини бировга берган киши, унинг номи билан бошқа киши ҳаракат қилиши учун, ўзи четга ўтади. Бошқанинг номини олган киши эса ҳеч қандай қадрга эга бўлмаган ўзининг исмидан воз кечади. Мен кимнингдир номидан бораётган бўлсам, бу билан, ўзимдан воз кечган бўламан. Мен, нафақат унинг исмини, балки унинг ўзини ва унга тегишли бўлган ҳамма нарсани ўзимникига алмаштираман».

Келинг, буни мисолда кўрамиз. Менинг фамилиям ҳар доим ҳам Майер бўлмаган. Мен Дэйвга турмушга чиққанимда, унинг фамилиясига ўтганман. Биз турмуш қургунимизча, ундаги бор нарсалар менга ҳам тегишли эмас эди. Биз турмуш қурганимизда, менинг машинам йўқ эди, Дэйвники эса бор эди. Менинг пулим йўқ эди. Мен қарзларда яшар эдим. Дэйвнинг пули бор эди, мен унга турмушга чиққанимдан сўнг, унинг пуллари менга ҳам тегишли бўлди, шунинг учун қарзларимдан қутулдим. Дэйв билан оила қуриб, унинг фамилиясини олмагунимча, ундаги бор нарсалардан фойдалана олмас эдим. Майер хоним бўлгач, унинг мулкидан

фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдим. Биз шунчаки учрашиб юрганимизда, менинг фамилиям бошқача эди; менинг машинам йўқ эди, лекин бир талай қарзларим бор эди.

Исо Масих билан шунчаки «учрашиб» турсак, ҳақиқий бағишланиш учун белгиланган барча имтиёзлардан фойдалана олмаймиз. Бизга қулай бўлгандагина, У билан вақт ўтказа олмаймиз ва Ундан кўзлаган эзгуликларимизни олиш учунгина, У билан муносабат кура олмаймиз. Унга ўзимизни тўлиқлигича топширсак, махсус имтиёзлардан фойдаланишимиз мумкин. Мен турмушга чиқмагунимча, Майер фамилиясидаман, деб айта олмас эдим. Бу ноқонуний ҳисобланар эди. Хоҳлаймизми, йўқми, Самовий Шоҳликда ҳам юридик тизим ҳарақат қилади. Худованд руҳий қонунларни ишга қўйган ва биз уларни менсимай ёки уларни четлаб ўта олмаймиз. Шунчаки «учрашиб» юрибмизми ёки ўзимизни У билан мустаҳкам ришталар билан боғлаганмизми – Худованд У билан муносабатларимиз қандайлигини билди. У билан барқарор иттифоқ тузиб, Унинг исми бизга берадиган барча ҳуқуқлардан фойдаланишимиз мумкин.

Имонлиларнинг ҳаётидаги қолган бошқа соҳаларидагидек, Исо Масиҳнинг исмидан фойдаланишнинг ҳам, тайёр қоида ва шартлари мавжуд эмас. Муҳими – Унга ишонадиган юракка эга бўлиш, Унинг кучига ишониш ва Унинг ҳокимиятига бўйсунуш керак. Биз душман билан курашда Исо Масиҳнинг исмидан фойдаланганимизда, Худога итоаткорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ёқубнинг мактуби 4:7-9 да айтилган: «Шунинг учун Худога бўйсунинглар, иблисга қарши туринглар (унга қарши зарба беринглар) ва у сизлардан қочиб кетади. Худога яқинлашинглар ва У сизларга яқинлашади. Эй, гуноҳкорлар, қўлларингизни тозаланглар! Эй, фикрида иккиланаётганлар, юракларингизни (руҳий бевафоликдан) покланглар!» Менга Эндрю Мюррейнинг ушбу оятларда ифодаланган руҳий қоидаларни тушунтириши ёқади. У қуйидагича ёзади: «Масиҳнинг хизматкорлари, Устозининг манфаатлари ва меҳнатларига қай даражада бағишланган бўлсалар, Исо Масиҳнинг исмидаги руҳий кучдан шу даражада фойдаланиш ҳуқуқига эгалар. Исмдан фойдаланиш, бошқанинг фой-

даси йўлида, ҳамиша ўз манфаатларимиздан воз кечишимиз кераклигини билдиради.

Борди-ю, Худога итоат қилмасак, Исо Масиҳнинг исмини ишлатиб ҳам бўлмайди, душманга қарши туришда, ғалаба қозонишимизга ҳам умид қилишнинг ҳожати йўқ. Бизда шайтоннинг устидан ҳокимият йўқ. Биз ҳаммамиз вақти-вақти билан гуноҳ қиламиз ва нотўғри ҳаракатларга йўл қўямиз, бироқ Худога, атайин бўйсунмаслик деганда, онгли равишда гуноҳ қилишни назарда тутаяпман. Ҳаётимиздаги қандайдир гуноҳ, Худони ҳақоратлашини билсак ҳам, ундан воз кечишни истамаймиз. Калом бизга Худога итоат этишни буюраяпти. Агар биз бор кучимиз билан Унга итоат этишга ҳаракат қилсак, шайтон ҳар сафар ҳужум қилганида, биз ишонч билан айта оламиз: «Шайтон, сенга, Исо Масиҳ номи билан қарши тураман!» Бу исмнинг кучи уни тўхтатади.

Шайтон билан бўладиган ҳар битта жангимизни Исо Масиҳнинг номи билан олиб боришимиз зарур. Шайтон биздан қўрқмайди, лекин у Исо Масиҳнинг қонидан, Унинг исмидан, хочидан ва Худонинг сўзидан титрайди. Руҳ билан тўлган имонли шайтоннинг устидан ҳоки-



миятга эга, бироқ фақат Исо Масихнинг номи билан.

- Унинг исми қутқариш ҳақимиятига эга. «Ундан бошқа ҳеч кимда нажот йўқдир, чунки нажот топишимиз учун, одамларга осмон остида берилган бошқа ҳеч бир ном йўқ» (Ҳаворийларга 4:12).
- Исо Масих, Унинг номи билан бир нечта киши йиғилган жойда, улар билан бирга бўлишни ваъда берган. «Чунки қаерда икки ёки уч киши Менинг номим учун йиғилса, Мен у ерда уларнинг орасида бўламан» (Матто 18:20).
- Унинг исми шифо олиб келади. Пётр чўлоққа деди: «...Назорий Исо Масих номи билан ўрнингдан туриб юр!» (Ҳаворийлар 3:6). Сўнг, бу мўъжизавий шифо қандай содир бўлганини изоҳлади: «Сизлар хочга михлаган, Худо эса ўликдан тирилтирган назорий Исо Масихнинг номи билан у сизларнинг олдингида соғ-саломат қилиб қўйилди» (Ҳаворийлар 4:10).
- Унинг исми озод қилади. Исо Масихнинг хочдаги галабаси туфайли, биз зулмат кучларини енга оламиз. Исо Масих Ўз шо-

*гирдларига деди: «Имон келтирганларга бундай аломатлар ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар...» (Марк 16:17; Луқо 10:19-20; Колосаликларга 2:15).*

Исо Масихнинг исмидаги куч ҳақида ва Унинг исмидан фойдаланиш ҳуқуқи – У билан муносабатларимиз шарофати билан берилган ажойиб имтиёз эканини унутманг. Унга ибодат орқали қанча кўп яқинлашсак, Унинг исми бизга шунча қадрли бўлади ва унинг буюк кучини яхшироқ англаб борамиз.

Исо Масихнинг исмини ҳурмат қилишимиз лозим. Уни беҳудага (сабабсиз, бекорга) ишлатиш мумкин эмас. Айрим кишилар Худонинг исмини бекорчи гап-сўзларда ҳам айтишади, кейин Унинг исми билан ибодат қилишади. Худонинг исмини беҳудага тилга олиш деб, нафақат уни ҳақоратлашда ишлатиш, балки унга нисбатан ҳурматсизлик қилиш ва уни юзаки тарзда ишлатиш назарда тутилади. Ҳеч биримиз 220 электр кучи бўлган очиқ сим билан ўйнашмаймиз. Раббийнинг исми билан ҳам, худди шундай эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишимиз лозим.

Эски Ахдда Худонинг халқи Унинг исмига катта титроқ билан муносабатда бўлишган. Исроилликлар уни овоз чиқариб айтишдан қўрққан. Инсоннинг оғзи уни айтишга лойиқ эмас, деб ҳисобланган. Мусо Худодан Унинг исмини сўраганида, Худованд унга жавобан деди: «Мен Борман» (Чиқиш 3:14). Худованд шу қадар буюк ва мўъжизавийки, Уни инсоний сифатлар билан ифодалаш имконсиз. Худонинг исми Унинг борлиғини намоён этади. Бу ажойиб исмда нималар яширинганини қанча яхшироқ билиб олсак, Исо Масиҳ номи билан қилинган ибодатларимиз шунча самаралироқ бўлиб боради.

### ***Учинчи қурол: Масиҳнинг қони***

Биз, Исо Масиҳнинг исмини эълон қилганимизда, Унинг исмидан куч чиқади, шунингдек, Каломдаги оятларни овоз чиқариб айтганимизда, Сўзнинг кучи ҳаракатга келади. Шу билан бир қаторда, биз Исо Масиҳ қонидаги кучдан ҳам фойдаланишимиз керак. Биз ибодатда, Унинг қони билан покланганимизни айтганимизда, Исо Масиҳ қонининг кучи ҳаракатла-

нишни бошлайди. Жумладан: «Мен Масиҳнинг қонини ҳаётимга чақираман ва Унинг қонининг ҳимояси остидалигимга ишонаман», деб айтишимиз керак. Вочман Ни ўзининг «Ибодат қиламиз» китобида ёзган: «Биз Худога тегишли бўлганимиз учун, шайтон бизни издан чиқаришга, янчиб ташлашга, тўхтатишга ва бизга ҳеч қандай таянч нуқтасини қолдирмасликка уринади. Бу унинг мақсади. Иноят тахтига, Раббий Исо Масиҳнинг қимматбаҳо қони орқали, Худодан ҳимоя ва ғамхўрлик сўраб келишга ҳуқуқимиз борлиги учун, унинг бу мақсади амалга ошмаслиги мумкин. Бизнинг Худованд эшитган ибодатларимиз, шайтоннинг режаларини бузади». Бу биз учун айтилган муддао. Биз шайтоннинг режалари барбод бўлишини ва ибодатда Исо Масиҳнинг қони орқали уни енгишни истаймиз.

Чиқиш китобида, қон муҳим рол ўйнаган, биринчи Песаҳнинг ажабтовур воқеалари бор. Ўша матнда, Миср еридан ўтишга ва ҳар битта оиладаги тўнғични ўлдиришга отланган ўлим фариштаси ҳақида айтилган. Худованд халқига кўзичоқнинг қонини олишни ва уни уйдаги эшикларининг ёни ва тепасига суртишни бу-

юрған. Шундан сўнг, Худованд кимнинг эшиги-га қон суртилган бўлса, ўлим фариштаси ўша уйни четлаб ўтишини ва ичкаридагиларнинг бирортаси зарар кўрмаслигини айтган.

Исо Масих – Песаҳ Қўзиси. У бизни гуноҳ ва ўлим лаънатидан озод этиш учун Голготада Ўз қонини тўқди. Биз Масихнинг қони берадиган имтиёзларнинг ҳаммасидан ҳам фойдаланмаймиз, деб ўйлайман. Исроилликларнинг эшикларидаги қон ўлим фариштаси ичкарига кириб, тўнғич ўғилларини ўлдириб, одамларнинг ҳаётини яқсон қилишга йўл қўймаган бўлса, биз ҳам ҳаётимизга Масихнинг қонини чақиришимиз ва ичкарига кирмаслиги учун шайтонга эшикларни ёпишимиз мумкин.

Исроилликлар эшикларининг ёнларига қон суртиши учун хўп уринишган (ўзи ва кийимлари булганган бўлиши мумкин). Улар қўзини ўлдиришган, ундан терисини шилишган, ҳиссоп (покланиш маросимларида ишлатиладиган ўсимлик) ўтини олиб, қонга ботиришган ва қонни эшик ёнларига суртишган. Бу хийла ёқимсиз машғулот. Бу уларга ғалати туюлган бўлиши мумкин, аммо улар Худованд буюр-

ганларининг ҳаммасини бажардилар. Исроилликлар эшикларига ҳақиқий қонни суртдилар, ammo биз буни имон билан амалга оширамиз. Исо Масих – Худонинг Қўзиси ва Унинг тўкилган қонидан, биз оддий ибодат орқали ҳимоя сифатида фойдалана оламиз.

Эски Аҳддаги маъбаднинг энг ичкаридаги хонаси Муқаддаслар Муқаддаси деб аталган. Бу жойда Худонинг ҳузури яшаган. Руҳоний белгиланган анжомларга ва жойларга қон пуркагач, ўша жойга кира олган. У Худонинг ҳузурига киришдан аввал, олдидаги йўлни қон билан поклаган. Худди шундай, биз ўз-ўзимизча, муқаддас Худонинг ҳузурига киришга ва Унга ибодат қилишга ҳаққимиз йўқ, бироқ Исо Масихнинг қони бизни поклайди ва Худого яқинлашишга ижозат беради. Мен кўпинча ушбу сўзлар билан ибодатимни бошлайман: «Художон, Сендан қон учун миннатдорман ва Исо Масихнинг қони билан мени поклашингни сўрайман. Худойим, мен Сенинг ҳузуринга келаман ва Сенинг олдинга келишга ҳуқуқ берадиган қон орқали оқланганим учун миннатдорман». Эски Аҳддаги руҳонийлар каби биз ҳам Худонинг олдига келаётиб, қондан фойдалана-

миз, аммо биз буни имон билан амалга оширамиз.

Каломдаги қоннинг кучи ҳақидаги оятларни юрагингизда сақланг, токи ҳар сафар сизга душман ҳамла қилганида, сиз тайёр туринг ва Масиҳнинг қонидаги куч тўғрисидаги ҳақиқат, сизга дадиллик берсин. Бир неча йиллар олдин, Раббий менга Масиҳнинг қони ҳақидаги қўшиқлар ёзилган диск чиқариш хоҳишини берди. Бир куни хизматимизга бир аёл қўнғироқ қилди ва ажойиб гувоҳлик билан бўлишди. У қуйидаги нарсаларни айтиб берди: «Бир вақтлар, мени нимадир сизларнинг қон ҳақидаги дискингизни олишга ундади. У уйимда турар, лекин бирор марта ҳам эшитиб кўрмаган эдим. Бир куни кечқурун китоб ўқиб ўтирдим. Кутилмаганда, ўша дискни қўшишим кераклигини ҳис этдим. Шу лаҳзада, ойнамнинг ортида ўғри турганини билмаган эдим. Дискни олиш учун турган заҳотим, у тўғри мен ўтирган жойни мўлжаллаб, тўппончадан ўқ отди. Ўқ менга эмас, ўриндиққа тегди. Агар ўша Масиҳнинг қони ҳақидаги диск бўлмаганида эди, мен аллақачон ўлиб кетган бўлар эдим».

Исо Масиҳнинг қони – имонлиларга берилган инъомлардан бири ва биз бу инъомдан, нафақат хавф баланд бўлган ёки ўта мушкул пайтларда фойдаланамиз. Лекин ҳар сафар, у бизга керак бўлганида оддий ибодатда қуйидагиларни айтишимиз мумкин: «Худойим, мен Масиҳнинг қонига ишонаман. Унинг қонида куч бор. Шайтон қонга қарши бардош бера олмайди. Имон билан Масиҳнинг қонини оиламга, ўзимга ва ҳаётимга чақираман. Художон, мени Масиҳнинг қони поклагани ва ҳимоялагани учун, раҳмат Сенга». Ҳар дафъа, Масиҳнинг қони тилга олинганда шайтон титрайди.

### ***Ибодат ва руҳий жанг***

Ибодатларимиз Худони улуғласа ва шайтоннинг режаларини бузса, улар натижали ҳисобланади. Ибодатнинг мақсадларидан бири – душманга зарар етказиш. Афсуски, кўп имонлилар, ибодат орқали шайтонни зарарлантириш мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмайдилар. Агар биз ибодатнинг ҳақиқий кучини англаб етганимизда эди, биз бундан-да кўпроқ ибодат қилар эдик.



Шайтон ўзини кўрсатмайди ва очиқчаси-га ҳаракат қилмайди. Ўз режаларини амалга ошириш учун, у одамлардан ёки атрофимиздаги нарсалардан фойдаланади. Биз ундан бўлак, бошқа ҳамма одамларни ва нарсаларни айблашимизга умид қилади. Шайтон касалликлар чақириб ва азоблар келтириб, имонлиларнинг танасини заифлаштиради. У одамларнинг ҳаётига бахтсиз ҳодисалар ва мушкул вазиятлар ёғдиради. У масихийларнинг ўртасида низо чиқаради, оила аъзоларини ёки яқин дўстларни уруштиришга ҳаракат қилади. У даромад манбаларини ёпиб, моддий қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. У одамларни тушкунликка, умидсизликка дучор қилади, уларга ҳаётдан норозилик ҳиссини беради. У одамларнинг юрагига сабабсиз қўрқувни солиб, тўғри қарор қилиш қобилиятидан маҳрум қилади. Биз чарчоқдан оёқда тура олмаслигимиз учун кўп ишлашга мажбурлайди. У бизни алдашга ва дармондан қуритишга, онгимизга ва ҳиссиётимизга таъсир ўтказишга, унга қарши туриш қобилиятимизни сусайтиришга уринади. У бизга зарар етказишнинг жуда кўп йўллари биледи, аммо биз унга қарши туриши-

миз, қатъий ва аёвсиз зарба беришимиз лозим. Ёқубнинг мактуби 4:7 да, Худоба итоат этсак, шайтонга қарши турсак, у қочиб кетиши ҳақида айтилган.

Вочман Ни ёзган: «Юрагимизда унга нисбатан адоват уйғонганида, унинг зулмларига бўйсунмаслик ҳисси келганидагина, ғалаба қозонимизнинг имкони бўлади». Матто Хушхабари 12:29 да кучли кишини боғламагунча, унинг уйини ўмаришнинг иложи йўқ, деб айтилган. Биз шайтонни, Руҳ билан бошқарилган ибодат орқали боғлашимиз мумкин. Душманга, бизга хужум қилишига йўл қўйиб берсак, унга қарши турмасак ва жавобан хужумга ўтмасак, биз доимий тушқунлик ва хўрланишда яшаб ўтамиз. Шайтон – бизнинг душманимиз ва унга, шунга яраша муносабат билдириш лозим.

Шайтонга фаол тарзда қарши турунг. Руҳий ҳаёт юқори даражада маҳсулдор бўлиши зарур. Худони ғайрат билан изланг, шайтонга тинмай қарши ҳаракат қилинг ва ўзингизга суст ва лоқайд бўлишга йўл қўйманг. Одамларни севинг, ибодат қилинг, қурбонликлар келтиринг, бошқаларга ёрдам беринг, Каломни ўқинг. Шайтон сизга қандай усуллар билан ху-

жум қилмасин, ибодатда унга қарши жанг эълон қилинг (1 Пётр 5:9).

### *Қисқа хулосалар*

Биз ҳаётимизнинг охиригача руҳий жангда иштирок этамиз ва руҳий соҳадаги жангни олиб боришнинг йўлларида бири – ибодат саналади. Биз Худонинг Сўзидаги, Исо Масиҳнинг исмидаги ва Унинг қонидаги куч ҳақида билишимиз зарур. Бу қуроолларнинг кучи ва улардан фойдаланишнинг асосий қоидалари ҳақида унутмаслик ҳамда бу қуроолларни тайёр ҳолда тутиб туриш учун, бу бобни қайта-қайта ўқиб чиқинг ёки Сўзга, Исо Масиҳнинг исмига ва Унинг қонига атаб ёзилган бошқа бирор китобни, ҳеч қурса, йилига бир марта ўқиб туринг. Фақат шу учта руҳий қуроол, сизга душманга қарши муваффақиятли жанг олиб боришда ёрдам беради.

Раббий билан ибодат орқали қанча чуқур ва маҳсулдор муносабатларни йўлга қўйсак, У бизни таъминлаган қуроолларнинг кучини шунча яхшироқ англаб этамиз. Худога итоат этиш шарти билан, Сўзнинг, Исо Масиҳ исмининг ва

Унинг қонининг барча кучи бизнинг ихтиёри-  
мизда бўлади. Шу боис, бизга ғалаба қафолат-  
ланган.

Шайтон – бизнинг душманимиз, унга аёвсиз  
ва тўхтовсиз қарши курашиш, фаол тарзда қар-  
ши туриш ҳамда зарар етказишига ҳеч қандай  
имкон бермаслигимиз лозим.

### *Ибодатга оид фойдали фикрлар*

- *Бизнинг душманимиз шайтон – руҳий мав-  
жудот, шунинг учун унинг бизга қарши  
олиб бораётган жанги руҳий дунёда содир  
бўлади. Биз у билан руҳий қуроғлар ёрда-  
мида курашишимиз лозим. Булар: Худонинг  
Сўзи, Исо Масиҳнинг исми ва Унинг қони.  
Бу уччала турдаги қуроғларни ибодатда  
қўллаш мумкин. Уларнинг ибодатимизга  
келтирадиган кучи, бошқа ҳар қандай куч-  
дан юқори туради.*
- *Худонинг Сўзи «дудама қиличдан ўткир-  
роқ» (Ибронийларга 4:12) ва душманни  
мағлуб қилишга қодир. Муқаддас Рух қи-  
лич ҳисобланган Сўздан муваффақиятли  
тарзда фойдаланишда ёрдам беради. У биз-*

*га Каломдан турли вазиятларда ишлатиш учун аниқ оятларни эслатади.*

- *Исо Масихнинг Ўзи душманнинг ҳужумларини қайтариш учун Сўзни қўллаган. Бу ҳақда Луқо Хушxabари тўртинчи бобда ёзилган.*
- *Худонинг иродасини бажариш билан машғул эканмиз, душман бизга қарши курашади. Худонинг Сўзи – у билан курашишда самарали восита.*
- *Исо Масихнинг исми ердаги ҳар қандай исмдан юқори туради. У биз дуч келишимиз мумкин бўлган барча хавф-хатардан устун, бизга зарар етказиб ёки яқсон қилмоқчи бўлган барча кучдан қудратлироқ, бизни айблайдиган барча овозлардан баландроқ.*
- *Исо Масихнинг номидан келадиган имтиёзлардан фойдаланиш учун ўзимизни Худованд билан узилмас ришталар орқали боғлашимиз керак. Исо Масихнинг номи билан ибодат қилганимизда, Худованд бизнинг камчиликларимизга эмас, Исо Масихнинг амалга оширган ишларига қарайди.*

- *Исо Масих – бизнинг Песаҳ Қўзимиз. Биз Унинг қонидан имон билан фойдаланамиз. У бизни ҳимоя қилади ва душман ичкарига кира олмаслиги учун ҳаётимизнинг эшикларини ёпади.*
- *Худонинг ҳузурига кела олишимиз учун ягона восита – бу Масихнинг қони. Худонинг ҳузурида буюк ва ҳамма нарсани енгувчи куч мавжуд.*
- *Биз шайтонга фаол тарзда қарши туришимиз ва суст бўлмаслигимиз лозим.*

## УЧИНЧИ БОБ

### Ибодатда мустаҳкам туринг

Ушбу бобда шайтоннинг жондан севар ва анча натижали саналган – ҳолдан тойдириш услуги ҳақида гапирмоқчиман. У биз таслим бўлиб, мағлубиятимизни тан олишимиз учун бизни бемадор қилиб, заифлаштиришга, ҳаддан ташқари толиқтиришга уринади. Дониэлнинг китоби 7:25 да шайтоннинг ҳаракатлари таърифланган: «Худойи Таолога қарши сўзлар айтиб, Таолонинг муқаддасларига зулм қилади». Бу нима дегани? Шайтон Худованд ҳақида ёлғон гапирди, мисол учун: «Худо сени севмайди», «Худо сенга ёрдам бермайди», «Худо бу қилган ишингни ҳеч қачон кечирмайди», «Худонинг Сўзи бошқаларга тегишли, лекин сенга эмас». Шайтон биз заифлашимиз учун ҳамма усулларни қўллайди, Худованд эса биз кучли бўлиб туришимизни истайди. Бизга бунда ибодат ва У билан суҳбат ёрдам беради.

Мен бир куни навбатдаги анжуманда қатнашдим ва мен таълим берган семинардан сўнг, тўсатдан, мени жуда толиқтирадиган воқеалар

рўй беришни бошлади. Аввал, ҳамкасбларимиз билан ресторанга бордик, ҳаммаси кўнгилдагидек эди, бироқ у ерда бизга жуда аста хизмат қилишди. Бу нарса менга умуман ёқмади, чунки мен меҳмонхонадаги хонамга бориб, навбатдаги семинарга тайёрланишим керак эди. Бундан ташқари, кундузи озгина ухлаб олишим ҳам зарур эди. Айрим ташкилий ишлар туфайли, ўша кунги иш тартибимиз жуда тиғиз эди. Менга ресторандаги хизмат кўрсатиш, ўта даражада секин амалга ошаётгандек туюлди.

Узоқ чўзилган тушлиқдан сўнг, биз Дэйв билан меҳмонхонага қайтдик. Менда кечги семинаргача атиги икки соат қолган эди. Шундан бир соатини дам олишга, бир соатини тайёрланишга бағишлашни режалаштирдим. Бироқ у ерга келганимизда, хонамизнинг эшигини оча олмай қолдик. Бирорта калитимиз эшикни очмас эди. Ажабланарли, ўтган кечаси, ўша кун эрталаб, бундай муаммо бўлмаган, айнан, биз шошилиб турган пайти, калитлар ишламай қолди. Биз қайд қилиш столига бориб, хонамизни бошқа калит билан очиб беришларини илтимос қилишимизга тўғри келди. Хонамиз-



га кирганимизда, мен ваннахонага бориб, сув жумрагини очдим. Бир неча дақиқадан сўнг, тошиб тўкилаётган сувнинг овозини эшитдим. Мен югуриб бориб, қарасам, раковина кир бошиб, ёпилиб қолгани ва сув тошиб, пастга оқаётганини кўрдим. Менинг ҳамма пардоз-андозларим, тароқларим ва барча буюмларим ҳўл бўлиб кетган эди. Полни артишга ва нарсаларни қуриштишга тўғри келди.

Шу воқеадан сўнг, кечги воизликка тайёрланишга улгурдим. Дам олиш учун эса қирқ беш дақиқа қолди. Энди кроватга ётиб, кўзимни юмган эдимки, бирдан меҳмонхонанинг ёнфин сигналлари ишлаб кетди ва баланд алоқа орқали хабар беришди: «Меҳмонхонада фавқулотда ҳодиса рўй берди. Илтимос, лифтдан фойдаланманг ва зина катакларига кирманг». Биз вазиятни ўрганаёпмиз. Навбатдаги хабарни кутиб туринг. Такрорлайман: илтимос, лифтдан фойдаланманг ва зина катакларига кирманг». Ёнфин сигнализациясининг қулоқни қоматга келтирадиган увуллаши ва дикторнинг безор қиладиган овози тахминан ярим соатлар жаранглаб турди.

Мен бу воқеаларни қизимга айтиб берганимда, қизим, уларнинг меҳмонхонасида ҳам худди шундай нарсалар содир бўлганини айтди. Биласизми, буларнинг ҳаммаси тасодиф эмас. Менга дам олиш зарур эди ва шайтон, ўзининг ҳолдан тойдириш услубини қўллади. Ҳар биримизнинг ҳаётимизда бунга ўхшаш вазиятлар юзага келиб туради.

Нега Худо учун фаол хизмат қилаётган кишиларнинг ҳаётида бундай нарсалар содир бўлади? Гап шундаки, зулмат шоҳлигига ҳужум қилиб, Худо Шоҳлигининг чегараларини кенгайтиришни бошлаганимизда, шайтон бор кучи билан бизни тўхтатмоқчи, режаларимизни бузмоқчи, бизни ўз ҳаракатларимиздан шубҳаланишга мажбурламоқчи бўлади. Биз Рух билан бошқарилган ва Унинг кучига тўлган ибодатларни амалга оширганимизда, душман, шиддатли ҳужумга ўтганимизни тушунади. Ким Худонинг топшириғини бажаришни истаса, ҳар қандай ҳужумга тайёр туриши лозим. Шайтон, у бирор ишми ёки ибодатми, Худованд учун амалга оширилаётган ҳар қандай ишга қарши туради. Нафақат учинчи дунё

давлатларида хизмат қилаётган миссионерларнинг ёки ойнаи жаҳон орқали хушхабарни воизлик қилаётганлар кишиларнинг хизмати, балки Худо учун қилинаётган ҳамма ишлар, зулмат шоҳлиги учун жиддий таҳдид ҳисобланади.

Ресторандаги ва меҳмонхонадаги муаммолар, душманнинг, бизни хавотирга солиш ва ҳолдан тойдириш учун қилинган очикдан-очик уринишлари эди. Душманда ҳужум қилиш учун булардан ташқари, яна бошқа услублари ҳам бор, улар анча моҳироналик билан амалга ошади ва яққол кўринмайди. Шайтон, қаршимизда қизил плашда, бошида шохлар ва қўлида шохалари билан турса, биз уни кимлигини осонликча таниб олишимиз ва унга қарши туришимизни билади. Агар у жозибали кўринишда, билдирмай, яширинча кирса, бизнинг тузоғига тушиб қолишимиз, турган гап. Унутманг: Худонинг Каломида, шайтон фаришта кўринишида келади, дейилган. Ҳамма ажойиб кўринган нарсалар ҳам, аслида шунақа эмас.

## *Душман аста-секин ва маккорона ҳаракат қилади*

Аста-секинлик – шайтон бизни кучдан маҳрум қилишининг яна бир услуби. У шошилмасдан, қарийб сездирмасдан ҳаракат қилади, ҳужумларини зимдан биринма-кетин ишга солади. Биз чарчоқ қаердан келиб қолганини билмай қолишимиз учун бизга сездирмасдан зарар етказади. Дониэл китоби 7:25 да ёзилганидек, шайтон Худонинг муқаддасларини ҳолдан тойдиради. У бизни аста-секин дақиқама-дақиқа, кунма-кун заифлаштириб боради. Бизга ҳар куни майда-майда ёлғонларни сингдириб, кам-камдан жаҳллантириб боради. Биз то чалкашиб кетмагунимизча ва унинг қопқонига илинмагунимизча, бир нарсани қайтараверади. У шу қадар эҳтиёткорона, пухта ўйлаб, оҳиста ва маккорона ҳаракат қиладики, баъзида нима содир бўлаётганини англамай қоламиз. Тўсатдан, ўта даражада мушкул ҳолатга ва чалкаш вазиятга тушиб қоламиз, шу билан бирга, бу қандай содир бўлганини тўшунмай қоламиз.

Душманнинг, бизни ҳолдан тойдириш услублари сезилмас даражада бўлиши мумкин, бироқ улар бизни соғлиқ, муносабатлар, қувонч, тинчлик, куч, ҳаётнинг мазмуни, ибодат қилиш хоҳишидан маҳрум қилишга қаратилган. Шайтоннинг синчковлик ва моҳирлик билан қилинган меҳнатининг мақсади айнан шундан иборат. Бизни ниҳоятда чарчатиб ташламагунча, янчайверади, биз эса бундай вазиятга қандай тушиб қолганимизни билмай, ҳайратда қоламиз.

Шайтон бизни ҳолдан тойдиришни уйдурса ва ўз тўрига илинтиргандан сўнг, нотўғри фикрларни бериб, онгимизга таъсир ўтказишни бошлайди. У бизни ўз муаммоларимизда бошқаларни айблашимиз учун гижгижлайди. Биз бошқалар ҳақида шу тарзда ўйлай бошлаймиз: «Бошлиғим ҳаддан зиёд қаттиққўл бўлмаганда, балки мен унга яхшироқ муносабатда бўлар эдим». Ёки: «Агар фарзандларим ўзларини яхши тутсалар эди, ниҳоят уйни тартибга келтирар эдим».

Қандай қилиб душманнинг устидан ғалаба қозониш ва унинг маккорона режаларини барбод қилиш мумкин? Унда, бизни ҳолдан

тойдириш истаги борлигини билиб, қандай чораларни кўришимиз зарур? Бизни бемадор қилиш учун қачонгача ҳаётимизда ўз ҳунарларини кўрсатади-ю, биз жим ўтираверамиз? Энг муҳими – шайтоннинг тузоғига тушиб қолмасликни ўрганиш учун ибодат қилиш, Худодан унинг услубларини осонликча пайқаб олишни сўраш лозим.

Пётрнинг мактуби 5:8 бизга буюраяпти: «Хушёр ва бедор бўлинглар (мулоҳазакорликни, вазминликни сақланг), чунки душманингиз иблис бўкираётган (қорни оч) шердай бировни ютиб юборишни излаб юрибди». Шайтон тўғри келган кишини ютиб юборолмайди. У фаол, лекин ўзини билдирмай юриб, ўзини тутиб берадиган кишиларни излайди. Баъзида шайтоннинг азобларига керагидан ортиқ даражада чидаб ўтираемиз. Ҳатти-ҳаракатларимизда чегаралардан чиққанимизда, шайтонга ҳаётимизнинг эшикларини очиб берган бўламиз. (Жумладан, биз ишга муккамиздан кетамиз ва охириги марта қачон дам олганимизни унутамиз. Ёки аксинча, дангаса бўлиб қолиб, ишдан худди оловдан қочгандек қочамиз.) Шайтон бир нечта асосий усуллардан фойдаланиб, бизни

ютиб юборишга ҳаракат қилади. Улардан тўрт-тасини санаб ўтаман:

**Шайтон бизни жисмонан ҳолдан тойдиришга уринади.** Биз ўзимизга яхши бўлишни истасак, яхши дам олиш, тўғри озиқланиш, спорт билан шуғулланиш ва доимий шифокор кўригидан ўтиб туришимиз лозим. Жисмонан яхши кўринишда бўлишимиз учун биздан талаб этиладиган, ҳамма нарсани бажаришимиз, боз устига, душманга бизни ҳолдан тойдиришига йўл қўймаслигимиз керак. Худованд: «Келаётган дам олиш кунлари дам олсанг, айна муддао бўлар эди», «Сен бир ҳафтада уч марта спорт билан шуғулланишинг керак», «Ширинликларни ейишни бас қилиб, мева истеъмол қилишни бошла», деб айтса, биз ақлимизни ишлатишимиз ва Унга қулоқ солишимиз зарур.

**Шайтон бизнинг ғайратимизни сўндиришга уринади.** Атрофда, Худога хизмат қилишга ҳаракат қилиётган одамлар кам эмас, аммо улар буни алоҳида иштиёқ билан қилишмайди. Улар бир пайтлар Раббий учун катта ғайрат билан меҳнат қилишган ва кучга тўла бўлишган. Кейин нима содир бўлганини била-

сизми? Эски мақолда, ҳаддан ташқари яқинлик нафратни туғдиради, деб тўғри айтилган. Ҳамма яхши билган нарсаларимиз, вақт ўтган сайин ўз қадрини йўқотади ва бизни руҳлантирмай кўяди. Биз нимагадир ўрганиб қолсак, ўша нарса бошидагидек, бизни ўзига жалб этмайди. Бу шайтоннинг найрангларига киради. У биздаги оловни кам-камдан ўчириб боради. Худодан ғайратингиз сўнишига йўл қўймаслигини сўранг. Худованд биз руҳда ёнишимизни истайди:

- *Колосаликларга 3:23: «Нимаики қилсангизлар барчасини инсонлар учун эмас, балки Раббий учун қилаётгандек, бутун юрагингиз билан қилинглар».*
- *Римликларга 12:11: «Ғайратда сусайманглар, руҳингиз билан алангаланинглар, Раббийга хизмат қилинглар».*
- *2 Тимотийга 1:6: «Шу сабабдан, қўлларимни қўйишим орқали сенга берилган Худонинг инъомини алангалатиб туришингни сенга эслатаяман».*

Юрақларимизда Худонинг оловини ёқиб ва уни ўчиб қолмаслигини кузатиб туриши-



миз лозим. Қандай қилиб? Ўзимизга Раббийни билиш, Калом ўқиш, масиҳий дўстимиз билан суҳбатлашиш, чинакам қадрга эга бўлган ишлар қилиш имконияти – қандай барака эканини эслатиб туришимиз зарур. Худованд бизга турли хил баракалар ато этди ва буларни ёдимизда сақлашимиз, қадрламай қўйиш даражасида, уларга ўрганиб қолмаслигимиз лозим.

**Ибодат ва Калом ўрганишга мўлжалланган вақтимизни ўғирлаб, шайтон бизни руҳий ҳаётимиздан маҳрум қилишга уринади.** У биз Худованд билан суҳбатлашишимизни ва Унга қулоқ солишимизни истамайди, шу боис бу нарсаларга вақтимиз қолмаслиги учун ҳамма чораларни кўради. Шунингдек, Каломни чуқур ўрганишимизга ҳам халақит беришга уринади, зеро Сўзсиз биз заиф бўлиб қоламиз. Унинг вақтимизни ўғирлаш усулларидан бири – вақтимизни маълум бир одамларга ёки бизнинг кучимизни оладиган машғулотларга бехуда сарфлашга мажбурлайди. У бизни, охир оқибат хафсаласи пир бўлишга олиб келадиган, югур-югурга, ҳосилсиз ва бефойда ишларга тортади.

**Шайтон бизни яхшилик қилиш хоҳишидан қайтаради.** Худога диққатингизни жамлашда ва У учун амалга ошираётган хизматингизда, доимий бўлинг, шунда бетавфиқларнинг гуллаб-яшнашини кўриб, ноумидликка тушмайсиз. Галатияликларга мактуб 6:9 да айтилган: «Шу йўсинда, яхшилик қилиб, тушкунликка тушмайлик; чунки агар заифлашмасак, ўз вақтида ўриб оламиз».

Шайтон бизни осонликча ютиб юбормаслиги учун нима қилиш керак? «Мустаҳкам имон билан иблисга қарши туринглар (унинг хужумларини шу заҳоти қайтаринглар)» (1 Пётрга 5:9). Иккита нарсага диққатингизни қаратмоқчиман: 1) чегарадан чиқишларга йўл қўйманг, чунки улар шайтонга ҳаётингиздаги эшикларни очиши мумкин; 2) шайтон сизга хужум қилган заҳоти, унга қарши зарба беринг. Юқоридаги оят шундай жаранглайди: «Бу дунёда биродарларингиз (бутун масиҳий жамоатлар) билан ҳам худди шундай азоблар содир бўлаётганини билиб, мустаҳкам имон (чуқур ўрнашиб, тебранмас, кучли, дадиллик) билан иблисга қарши туринглар».

Нега, биз қийинчиликлардан ўтаётиб, бошқа одамларга ҳам осон эмаслигини билишимиз муҳим? Чунки шайтон бизни бурчакка ҳайдашга, ўзимизга нисбатан ачиниш ҳиссини уйғотишга ва ёлғиз биз, шу қадар кучли азоб чекаётганимизга ишонтиришга уринади. «Нега мен?», деб ўйлашнинг ўрнига, яхшиси: «Мен бу қийинчиликлардан биринчи ёки охириги бўлиб ўтаётганим йўқ», деб айтишимиз керак. Бу фикр бизни қувватлайди. Биз бошқаларнинг бахтсизлигига қувонишимиз керак, деб айтаётганим йўқ, бу билан – биз синовлардан ўтишда яққа эмаслигимизни, назарда тутаяпман. Биз қай даражада қийин ва оғир бўлмасин, биздан ҳам кўпроқ азоб чекаётганлар бор. Ўзига ачиhib ўтириш – бу энг беҳуда машғулот. Яхшиси, шайтон ҳужумларини бошлаган заҳоти, унга қарши туриш ва руҳан заифлашмаслик лозим.

### ***Бедор бўлинглар ва ибодат қилинглар***

Исо Масих хочга михланишидан сал олдин, ёнидаги шогирдларига мурожаат этиб, деди: «Васвасага тушмаслик учун бедор бўлинглар (диққатингизни йўқотманг, сергак ва фаол бўлинг) ва ибодат қилинглар, зеро руҳ тетик, тана

эса заифдир» (Матто 26:41). «Бедор бўлинглар ва ибодат қилинг» жумласи, биз учун ҳал этувчи аҳамиятга эга. Атрофимизда содир бўлаётган ҳамма нарсага эътиборли бўлишимиз ва қандайдир муҳтожлик ёки муаммони кўрганимизда, бирдан ибодат қилишимиз керак. Ибодатни кейинга қолдирманг!

Ибодат – бу шайтонга қарши самарали қурол ҳамда бизнинг ва яқинларимизнинг ҳаётидаги, унинг маккорона режаларини барбод қиладиган қурол ҳисобланади. Худованд ҳаётимизга ажойиб одамларни: бизни руҳлантирадиган, бизга даъватимизни бажаришда кўмаклашадиган, бизнинг ёрдамимизга муҳтож бўлган, бизга шунчаки ёқадиган кишиларни олиб келади. Бироқ душман ҳаётимизга бизни хафа қиладиган, бизга озор берадиган, сотадиган, кучдан қолдирадиган, ўз мақсадлари йўлида биздан фойдаланадиган одамларни қўшиб қўяди.

### ***Нопок руҳлардан эҳтиёт бўлинг***

Душман бизни ҳолдан тойдириш ва Худонинг иродасини бажаришимиздан чалғитиш учун ҳар тарафга тузоқлар қўйиб чиқади. Ай-

рим тузоқлари, одамлар орқали ҳаракат қиладиган нопок руҳлар билан боғлиқ. Бобнинг қолган қисмини ушбу мавзуга бағишлайман. Каломда ҳам, шайтоннинг ҳолдан тойдиришга қаратилган усуллари ҳақида ёзилган, шулардан яққол кўзга ташланадиган мисол Ҳаворийлар китоби 16:16-17 да келтирилган: «Бир куни ибодат йиғинига кетаётганимизда, фолбинлик руҳига эга бўлган бир чўри қиз бизга дуч келди. У фолбинлик билан ўз хўжайинларига кўп даромад келтирар эди. У Повулнинг ва бизнинг ортимиздан юриб: «Бу одамлар Худойи Таолонинг қулларидир, улар бизга нажот йўлини эълон қилмоқдалар», — деб бақирар эди».

Матндаги эътиборимизни қаратишимиз керак бўлган биринчи нарса – Повул ва унинг ҳамроҳлари ибодат қилиш учун кетаётган эдилар. Душманга ибодатларимиз хуш келмайди ва у бор кучи билан бизга халақит беришга тушади. Эътибор беринг, чўри аёл ҳақиқатни гапирди, бироқ унинг ичидаги ёвуз руҳ туфайли, уни эшитиш ниҳоятда ёқимсиз эди. Унинг тўхтовсиз айтган гаплари, атрофдагиларни жигига тегар эди.

Худованд бизга руҳларни фарқлаш қобилиятини берди ва биз ундан фойдаланишимиз керак. Воқеаларни жисмонан идрок этиш камлик қиладиган пайтлар бўлади. Бир пайтлар бизнинг хизматимизда керакли малакага эга бўлган одамлар ишлар эди. Афтидан, уларнинг гаплари тўғрига ўхшар, аммо менда уларга нисбатан хавотир бор эди. Аввалига, мендаги ички овозга ишонмадим ва одамларни, менда уларга нисбатан шубҳали фикрлар бўлгани сабабли, ишдан бўшатгим келмади. Бироқ вақт ўтиб: бизда Муқаддас Рух яшаши туфайли, менинг сезиш қобилиятим муқаддаслангани ва ичимдаги овозга қулоқ солишим кераклигига амин бўлдим. Бу мен ҳар сафар сезган нарсам тўғри бўлиб чиқади, дегани эмас, лекин мен Муқаддас Рухга ишонишим ва Унинг ортидан эргашишим лозим.

Чўри аёл Повул ва Силанинг ортидан қичқириб юрганида, Повул нима учундир муаммони шу заҳоти ҳал этишга киришмади. Аёл уларнинг ортидан юриб, нопок руҳларга чалингани учун уларнинг хоҳиши билан башорат қилар эди. «У кўп кунлар давомида шундай қилди» (Хаворийлар 16:18). Бизларни жаҳллан-

тириш учун шайтон ўзининг мақсадига эришмагунча ёки уни тўхтатмагунча, бир найрангининг ортидан иккинчисини ишга солади. Давомида, 18-чи оятда, содир бўлаётган воқеалар Повулни ҳолдан тойдиргани ва аччиқлантиргани айтилган. Шайтон бу аёл орқали Повулни безор қилган ва охири, жаҳлини чиқарган. У бу аёлни ўз мақсадларида – Повулга халақит бериш, уни чарчатиш ва Худованд томонидан топширилган вазифадан чалғитиш учун фойдаланган.

Умримиз бўйи, душман худди шу мақсад – бизни чарчатиш учун, ҳар хил одамлардан фойдаланади. Бу бизнинг қўшниларимиз, ҳамкасбларимиз, яқинларимиз бўлиши мумкин. Бу биз тез-тез учрашиб турадиган одамлар бўлиши, эҳтимолдан ҳоли эмас. Энди, бизни аччиқлантирадиган ҳар битта кишидан узоқроқда юришимиз керак, деб айтмаяпман. Баъзида, бизнингча, севишга арзимайдиган одамларни ҳам, севишга ўргатиш учун, Худованднинг Ўзи бизни кўнгилсиз одамлар билан бирга қилиб қўяди. Танамизни чарчатадиган одамлар билан руҳимизни ҳолдан тойдирадиган одамларнинг ўртасида фарқ бор. Ўйлай-

манки, Повул чўри аёлнинг қилиқларига узоқ вақт чидаганининг сабаби, у аёлнинг ҳаракатлари қаердан иддиз отганини аниқ билишни истаган. Охир оқибат, Повул унга бурилли-да, руҳга: «Исо Масиҳ номи билан сенга буюраман – ундан чиқиб кет!» — деди (18-чи оят). Эътибор беринг: Повул аёлга эмас, балки у орқали ҳаракатланаётган ёвуз руҳга мурожаат этди.

Айрим ҳолларда, бир инсон учун ибодат қилиб ёки ундан қурол сифатида фойдаланаётган ёвуз руҳни боғлаганимиздан сўнг, озодлик келишидан олдин, ўша одам ўзини олдингидан баттароқ тутишни бошлайди. Нима учун? Чунки шайтон осонликча таслим бўлишни истамайди. Повул билан бўлган воқеада ҳам, у башорат руҳини боғлагандан сўнг, вазият барибир тўлиқ ўнганмаганини кўрамыз. Бу воқеадан, чўрининг хўжайинлари жазавага тушдилар, чунки у ўзининг башоратлари билан хўжайинларига даромад олиб келар эди. Улар маҳаллий бошлиқларга бориб, Повул римликларга бегона бўлган удумларни ўргатаяпти, деб шикоят билдирдилар (Ҳаворийлар 16:21). Шундан сўнг, Повул билан Силани уриб, қамоқхонага ташладилар.



Повул тўғри йўл тутди, бироқ вазият янада ёмонлашди. Менимча, ҳар биримиз, Шедрах, Месах ва Обид-Негонинг ҳолатига тушган пайтимиз бўлган. Улар Худодан бошқага сажда қилишдан бош тортиб, оловда қиздирилган ўчоққа тушишга ҳам рози бўлдилар. Уларнинг қарорлари тўғри эди, лекин бу учун уларни одатдагидан кўра етти марта кўпроқ қиздирилган ўчоққа ташладилар. Лекин уларга зарар етмади. Шундан сўнг, уларни, ҳатто юқори мансабга кўтаришди. Уларни Худованд озод қилганини кўрганлар эса Худони шарафладилар (Дониэл 3:10-30).

Ҳаворийлар китоби 16:25 да, Повул билан Сила қамокхонада бўлганларида, улар «ибодат қилиб, Худога ҳамду сано айтар, маҳбуслар эса уларни тинглар эдилар», деб айтилган. Ушбу ҳолатни тасаввур этиб кўринг: Повул ва Сила занжирлар билан боғланган, оёқлари қолиплар билан кишанланган ҳолда Худони мақтар ва Унга куйлар эди. Шундан сўнг, «тўсатдан шундай кучли зилзила бўлдики, ҳатто қамокхонанинг пойдевори ларзага келди. Шу лаҳзада барча эшиклар очилди ва ҳамманинг кишанлари бўшаб қолди» (Ҳаворийлар 16:26).

Ўша пайти уйқуда бўлган зиндонбанд уйғониб, қамоқдагиларнинг бирортаси қочиб кетмаганини, балки қандай нажотга эришишни сўраб, Повул ва Силанинг олдига югуриб борганларини кўриб, хайратда қолди. Натижада, зиндонбанд ҳам самодан туғилди ва унинг барча уйдагилари Хушхабарни эшитиб, нажотни қабул қилдилар.

Агар биз руҳда мустаҳкам бўлиб, қўлларимизни пастга тушурмасак, Худованд шайтон бизга келтирган ҳар қандай зиённи, албатта, яхшиликка айлантиради. Биз шайтонга қарши турсак ва Худога ишонсак, шайтон бизни синдирмоқчи бўлганида, тебранмай тура олсак, Худованд унинг мақрли режаларини ўзига қарши ишлатади. У бизни баракалайди ва Ўзига тегишли бўлган шарафни қозонади. Повул ва Сила: вазиятлар улар ўйлагандан бошқача юз олаётгани сабаб, аччиқланган ва чарчаган ҳолда эдилар. Шундай бўлса-да, улар ўз руҳларидаги тетикликни сақлаб қолдилар. Улар умидсизликка тушмаслик учун Худони мақтар ва Унга сажда қилар эдилар. Вазият ёмонлашар, аммо улар ибодат қилишда давом этдилар. Шунда Худованд вазиятга аралашди ва шайтоннинг

режаларини барбод қилди. Душман уларни қамоқда яна узоқ вақт ушлаб туришларини истаган эди, лекин Худованд ўша вазиятлардан, зиндонбанднинг нажотга келиши учун фойдаланди. Бу Худони севиб, Уни иродасини бажарадиган ва ибодат қилишда тўхтамайдиган кишиларнинг ҳаётида, ҳамма нарса яхшиликка хизмат қилишининг мисоли, десак бўлади (Римликларга 8:26-28).

### **Феликсга ўхшаган кишилардан эҳтиёт бўлинг**

Душман, бизни ҳолдан тойдиришга уринишининг, яна бир усулларидан бири бор. Мен буни Феликснинг тузоғи деб атайман. Ҳаворийлар китоби 24-бобда, Феликс, Повул хизмат қилган вилоятнинг ҳоқими бўлгани ҳақида ёзилган. У Повулнинг воизлигига қизиқиб қолган. Афтидан, у Повулдан муҳим нарсани билиб олишни истагандек кўринади, аслида у ўз манфаатини кўзлаб – ундан пул ундиришни кўзлади (26-чи оят).

Феликсга ўхшаган муғомбирлар, ёрдамга муҳтожмиз, дейдилар, аммо ҳеч нарсани ўр-

ганишни истамайдилар. Мен кўпинча шундай ҳодисаларга дуч келаман, уларни ҳар битгасини эслаб қолиш қийин. Душман ҳаётимизга, бизни хароб қилиш ва кучдан қолдириш учун шундай одамларни олиб келади. Бундай кишиларда заррача ўзгариш нияти йўқ. Улар ўзларининг мусибатлари тўғрисида узлуксиз гапиришга тайёр, лекин ниманидир ўзгартиришни, ҳаёлига ҳам келтирмайдилар. Улар ўз муаммоларини нуқул рўқач қиладилар, бироқ уларни ҳал этишни истамайдилар. Улар Феликсга ўхшаб, ўзининг ғаразли йўлида ҳаракат қиладилар. Улар бир кишини ҳолдан тойдириб, кейинги кишига ёпишадилар.

Биз одамларнинг ҳақиқий ниятларини билиб олишимиз зарур, чунки шайтон бизнинг Худога бўлган севгимиздан ва одамларга ёрдам бериш истагимиздан, ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши мумкин. Одамга: «Сен, аслида менинг ёрдамимга муҳтож эмассан, шунчаки мендан фойдаланмоқчисан. Қандай яшаган бўлсанг, шундай яшаб юравер, чиндан ҳам ўзгаришни истаганингда, қайтиб келарсан», деб очикчасига, юзига айта олмаймиз. Биз: «Мен бундай йўл тута олмайман, бундай қилиш

тўғри эмас. Мен бу билан бешафқатлик қилган бўламан», деб ўйлаймиз. Лекин Исо Масих айрим ҳолларда, айнан шундай йўл тутган. Унинг, Вифезда ҳовузининг ёнида ётган шол одамга айтган гапини, эслаб кўринг. «Шифо топишни истайсанми? (Сен соғайиш учун чиндан ҳам қарор қилдингми?)» (Юҳанно 5:6). Шол одам деди: «Ҳа, Ҳазрат, аммо сув чайқалганида мени ҳовузга туширадиган одамим йўқ. Мен етиб келгунимча сувга бошқа биров мендан олдин тушиб олади» (7-чи оят). Исо Масих унга ҳамдардлик билдириб ўтирмади. Ундан, чиндан ҳам соғайишни истайсанми, деб сўраб, кейин унга деди: «Ўрнингдан тур, тўшагингни олиб юргин!» (8-чи оят). Бошқача қилиб айтганда, Исо Масих унга деди: «Мен сенга ёрдам беришим мумкин, аммо сен ўзинг ҳам ҳаракат қилишинг зарур. Тўшагингни кўтар. Мабодо, ҳеч нарса қилишни истамасанг, Мени ўзингнинг шикоятларинг билан безор қилма».

Худодан, одамларнинг мақсадларини билиб олишни ўргатишини сўранг. Анойи бўлманг ва ёрдамга муҳтож бўлмаган кишилар, ўз муаммоларини сизга юклаб қўйишларига йўл қўйманг. Шайтон улардан сизни чарчатиш учун фойдала-

нади. Мен одамларга нисбатан сабр-тоқатли бўлишимиз ва уларга ачинишимиз керак эмас, демайпман. Феликс ҳақидаги воқеани тўлиқ ўқиб чиқсак, у Повул билан кунлаб, ҳафталаб битта мавзуда суҳбат қилган, лекин орадан икки йил ўтиб ҳам, у умуман ўзгармаган. «Шу билан бирга, қўйиб юбориши учун Повул унга пора беришидан умид қилар эди. Шунинг учун Феликс уни кўп марта чақирар ва у билан суҳбатлашар эди. Лекин икки йилдан сўнг Феликснинг ўрнига Порциус Фест келди. Феликс эса яҳудийларни мамнун қилиш учун Повулни қамоқда қолдирди» (Ҳаворийлар 24:26-27).

Феликс Повул билан икки йиллик суҳбатидан сўнг, уни қамоқдан озод қилмай, ўз лавозимидан кетди. Повулнинг сарфлаган саъи-ҳаракатлари пучга чиқди, чунки Феликс ўзгаришни ҳаёлига келтирмаган эди.

Ҳаётингизни заҳарлайдиган феликслардан эҳтиёт бўлинг. Фаҳмлаб олиш инъомини қўланг ҳамда кучингизни ва вақтингизни, Худованд сиз ёрдам беришингиз учун юборадиган кишиларга сарфланг. Худодан, одамлар қай мақсадлар билан сизга яқинлашаётганини ва сиз улар билан қандай йўл тутишингиз керак-

лигини ўргатишини сўранг. Ундан душман ҳар сафар, сизни ҳолдан тойдириш ниятида юборадиган одамга, ўз қувватингизни ва вақтингизни беҳуда сарфламаслик учун руҳий зехнингизни ўткирлашини сўранг. Худодан само томонидан юборилган одамлар билан танишиш имкониятларини сўранг. Бундай одамлар сизга Худо томонидан юборилган бўлиб, улар сизга кўмак бўлади ёки сиз улар учун фойдали бўла оласиз. Улар ҳаётингизга қадрли нарсаларни олиб келиши ёки сиз билан суҳбатдан, улар ўзи учун қадрли нарсаларни олиши мумкин. Худованд бизларни одамларга ёрдам бериш учун чорлади, бироқ У бизлар вақтимизни беҳудага сарфлашимизни истамайди. Сизда бўлган имкониятлардан, шу жумладан, вақтдан ҳам ақл билан фойдаланинг.

### *Далидага ўхшаш одамлардан эҳтиёт бўлинг*

Далидага ўхшаган одамлар тури мавжуд. Шайтон улардан бизга қарши курашиш йўлида фойдаланади. Худодан бундай одамларни фарқлай олишни ўргатишини сўранг. Судья-

лар китоби 16:16-17 да, Далида Самсондан ақл бовар қилмас кучининг сирини очишини тўхтовсиз ялиниб сўради, дейилган. У Самсонни қандай қилиб мағлуб қилиш мумкинлигини билишни истади. Натижада, «у гаплари билан ҳар куни уни эзавергани ва уни қийнагани учун унинг жони ўлим қадар азобланди». Самсон бу азобларга бардош бера олмай, ўз сирини очди ва бу унинг умрига арзиди.

Келинг, тасаввур этиб кўрайлик, шайтон уйланган эркакни васвасага солиш ниятида, қандайдир аёл орқали ғаламислик қилади. Камдан-кам ҳолларда, аёл билан эркан биринчи кўришган заҳоти, бир-бирига «кел, жинсий алоқада бўламиз», деб айтади. Аслида, бу нарса аста-секинлик билан содир бўлади ва бир нечта яхши сўзлардан бошланиши мумкин. Сўнг, яхши сўзлар кўпая бошлайди. Тез орада, аёл эркакдан ёқимли сўзлар эшитишни кутадиган бўлади ва узлуксиз унинг атрофида гирди-капалак бўлади. Шундан кейин, эркак бу аёл ўзининг хотинидан жиндек ёшроқ эканини пайқаб қолади. Хотини унга бир нечта фарзандлар туғиб берган, бу аёл эса ҳали туғмаган, унинг қомаги анча келишган ва соғлиғи ҳам жойида.



Кўп вақт ўтмай, улар тушлик пайти биргаликда қаҳва ичадилар. Кейин аёл эркақдан, уни уйига олиб бориб қўйишини илтимос қилади. Уйига олиб келиб қўйгани учун миннатдорчилик билдириб, уйига бир пиёла чой ва ўзи пиширган ширинликдан татиб кетишини таклиф қилади. Кейинги содир бўладиган воқеаларни ўзингиз фаҳмлаб олишингиз, қийин эмас.

Бундай воқеаларнинг сони, биз ўйлагандан кўра анча кўпроқ. Бу нарса, одам қайси жинсда бўлишидан қатъий назар, содир бўлиши – эркақ аёлни васвасага солиши ёки аксинча бўлиши мумкин. Бу нарса кўз илғамай бошланади-ю, натижаси ҳалокатга олиб боради ва шайтоннинг боши осмонга етади. Мана, нима учун, душман ҳужумга ўтганини сезганимизда, шу заҳоти унга зарба беришимиз зарур. Миямизга номаъқул фикр келган пайтнинг ўзида, биз айтишимиз лозим: «Йўқ, мен бундай қилмайман!» «Далида» ҳар доим кўркам, ҳавасни келтирадиган, исталган қоғозга ўралган тарзда пайдо бўлади, у айбсиз, ҳатто художўй бўлиб кўриниши ҳам мумкин. Худодан муайян вазиятда, муайян одамлар билан қандай йўл тутишни очиб беришини сўраш, ўта муҳим.

## **Пётрга ўхшаган кишилардан эҳтиёт бўлинг**

Душман ҳаётингизга нафақат сизни ҳолдан тойдириш, аччиқлантириш ва васвасага солиш, йўлдан оздириш учун, балки Худонинг сиз ва сиз орқали бошқалар учун белгиланган хоҳишлари амалга ошишига халақит бериш ниятидаги кишиларни ҳам юборади. Шу мақсад йўлида, шайтон, ҳатто Исо Масиҳнинг энг яқин шогирдларидан бири бўлган, Пётрдан фойдаланди. Исо Масиҳ Пётрга ва бошқа шогирдларига, Уни ўлдиришлари ва У учунчи кун тирилиши ҳақида айтди. Пётр Исо Масиҳнинг хочдаги ўлимини билдирадиган нажот режасининг мазмунини охиригача англамай, деди: «Ўзингга раҳм қил, Ҳазрат. Сен билан бундай бўлмасин! – деди. Лекин У ўгирилиб, Петъорга: – Йўқол Менинг олдимдан, шайтон! Сен Мен учун васвасасан (тўсиқ, халал, тузоқсан)» (Матто 16:22-23). Исо Масиҳ Худонинг нажот режаси амалга ошишида, шайтонга тўсқинлик қилиш имконини бермаслик учун шу заҳоти, Ўз муносабатини билдирди.

Душман бор кучи билан, Худонинг иродасини бажаришимизга халақит беришга уриниб, бизнинг яқинларимиздан ва бизни севадиган кишилардан, ўзининг мақсадларида фойдаланади. Бу одамлар бизга зарар келтиришни истамайдилар, улар шунчаки содир бўлаётган ҳодисаларни тушунмайдилар. Худованд бизни ниманидир амалга оширишга чорлаганда, ёнимиздаги кишилар буни тушуна олмаслиги мумкинлигини унутмаслигимиз керак. Улар учун сизнинг даъватингиз ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаслиги ва улар сизни режаларингиздан воз кечишга мажбурлашга уринишлари мумкин. Шайтон бизнинг заиф жойимизга уришни ёқтиради. У сизга ҳужум қилиш йўлида, нотаниш ёки сиз учун аҳамиятсиз бўлган одамлардан фойдаланмайди. У бизга юқори даражада озор берадиган усуллари қўллайди. Унга бунинг нима кераги бор? У шунчаки, бизнинг ривожланишимизни ва янги поғоналарга кўтарилишимизни истамайди. У биздан кўрқади! У биз Худога итоат қилсак, зулмат шоҳлики учун хавф солишимизни билади.

Феликс, Далида ёки Пётрга ўхшаган одамлар билан тўқнашганда, бизга одамлар эмас

– балки биз билан жанг олиб бораётган зулмат шоҳлиги қарши чиқаётганини унутмаслигимиз лозим. Бу шоҳликнинг ҳокими – шайтон. «...Чунки бизнинг жангимиз қону танага қарши эмас, балки бу дунёдаги зулматни бошқарадиган бошлиқларга, ҳокимлару ҳокимиятларга ва самовий оламдаги ёвузлик руҳларига қаршидир» (Эфесликларга 6:12). Бизнинг душманзимиз одамлар эмас, шайтон ҳисобланади. Биз одамларни севишимиз, шу билан бирга, улар орқали ҳаракат қилаётган ҳийлагарга қарши туришимиз лозим. Худодан руҳий нарсаларни фарқлай олишингиз учун сизнинг руҳий сезиш қобилиятингизни чархлашини сўранг. Оддий ибодатнинг кучи вақтингизни тежашга ёрдам беради ва сизни кўплаб муаммолардан сақлайди.

### *Қисқа хулосалар*

Шайтоннинг Худо фарзандлари билан курашидаги сеvimли ва ҳийла муваффақиятли усуллари дан бири – биз эзгу ишларни қилишга бел боғлашга кучимиз етмаслиги учун бизни ҳолдан тойдириш ва заифлаштириш ҳисобланади. Худованд эса бизни кучли бўлишимизни

истайди ва бунга бизнинг ибодатларимиз ёрдам бериши мумкин. Бирор нарсага муҳтожликни ҳис этсангиз, шу заҳоти ибодат қилинг, ибодатни кейинга қолдирманг. Худодан зийракликни сақлаш ва душманнинг сизни, ҳаддан ташқари чарчашга олиб борадиган маккор ниётларидан воқиф бўлиб юришда, кўмак сўранг. Шунингдек, Ундан шайтоннинг сизга қаратилган ҳар қандай режаларини барбод қилиш усулларини йўлга қўйишга ёрдам беришини сўранг.

Душман сизни жисмоний чарчоққа олиб келадиган ташвишлар ва ҳаяжонга соладиган зарбалар ёрдамида ҳолдан тойдиришга уринади. У сизни ғайратингиздан маҳрум этишга ҳаракат қилади, ибодат қилишга халақит беради ва яхшилик қилиш шаштидан қайтаришга уринади. Ҳаётингизга айрим кишиларни, нопок руҳларнинг қуроли сифатида юборади. Сизни улар орқали хароб қилишга, адаштиришга, ҳаётингиздаги Худонинг режасини амалга ошишига халақит беришга тиришади. Агар сиз ибодат орқали Худованд билан кўпроқ мулоқотда бўлсангиз, сиз нафақат доноликни ва Унинг овозини эшитишни ўргана-

сиз, шунингдек душманнинг устидан ғалаба қозонишга ҳам қобилиятли бўласиз.

## *Ибодатга тегишли фойдали фикрлар*

- *Бизнинг шошилмай ва маккорона иш кўрадиган душманимиз бор, у бизни секин-аста вайрон қилиб боради ва Худонинг бизга топширган вазифасини амалга оширишимизда халал бериш мақсадида, ўта даражада ҳолдан тойишга олиб боради.*
- *Худодан шайтоннинг, бизни чарчатишга қаратилган турли хил усулларини, шу заҳоти тушуниб олишни ўргатишини сўрашимиз зарур.*
- *Шайтон бизни жисмонан толиқтиришга, гайратимизни сусайтиришга, Калом ўрганиш ва ибодат учун белгиланган вақтимизни ўзгирлашга, яхшилик қилиш шайтидан қайтаришга уринади.*
- *Душман ҳужум қилган заҳоти, унга зарба беришимиз ва азоб чекаётган, ёлғиз биз эмаслигимизни унутмаслигимиз лозим.*
- *Одамлар билан муносабатда, алоҳида ҳушёрликка эга бўлишимиз ва Худодан нопок*

*руҳлар ишга соладиган одамлардан нари юриш учун руҳий сезгирлигимизни ўткирлашини сўрашимиз керак.*

- *Биз Феликс, Далида ва Пётр каби кишилардан эҳтиёт бўлишимиз зарур. Душман бундай одамлардан бизни вайрон қилиш, васвасага солиш ва ҳаётимиздаги Худонинг мақсадларини бузиш учун фойдаланади.*

## ТАВБА ИБОДАТИ

Худованд сизни севади ва У билан яқин муносабатларга эга бўлишингизни истайди. Сиз ҳали, Исо Масиҳни Раббим ва Нажоткорим, деб қабул қилмаган бўлсангиз, буни ҳозирнинг ўзида амалга оширишингиз мумкин. У учун юрагингизни очинг ва қуйидаги сўзларни айтинг:

«Отажон, Сенинг қаршингда гуноҳкорман. Ўтинаман, мени кечиргин. Мени поклагин. Сенинг Ўғлинг, Исо Масиҳга ишонишга ваъда бераман. У мен учун ўлганига: У хочда ўлаётиб, менинг гуноҳларимни Ўзига олганига ишонаман. Уни ўлимдан тирилганига ишонаман. Ва ҳозирнинг ўзида, мен ўз ҳаётимни Унга топшираман. Отажон, кечирим ва абадий ҳаёт инъоми учун миннатдорман. Илтимос, Сен учун яшашимга ёрдам бергин. Исо Масиҳ номи билан. Омин».

Агар сиз бутун юрагингиз билан сўраган бўлсангиз, Худо сизни қабул қилди, поклади ва руҳий ўлим кишанларидан озод этди. Қуйида келтирилган оятларни ўқинг ва ўрганиб чиқинг. Худодан сизга Уни эшитишга ёрдам беришини сўранг, зеро энди сиз, У билан янги ҳаётни бошлаяпсиз.

Юҳанно 3:16

Эфесликларга 1:4

1 Юҳанно 1:9

1 Юҳанно 5:1

1 Коринфликларга 15:3-4

Эфесликларга 2:8-9

1 Юҳанно 4:14-15

1 Юҳанно 5:12-13

Худодан Унинг Каломидаги таълимотларни соғлом тарзда воизлик қиладиган, Масиҳни яхшироқ таниб-билишда ва руҳий ўсишда ёрдам берадиган яхши жамоатни топишда кўмак сўранг. Худованд доимо сиз билан. У сизни ҳар куни йўналтиради ва сиз учун тайёрлаб қўйилган фаровон ҳаётда яшашни кўрсатади.



**СИЗНИНГ ХАТЛАРИНГИЗНИ УШБУ  
МАНЗИЛ БЎЙИЧА КУТАМИЗ:**

Joyce Meyer Ministries  
P.O. Box 655  
Fenton, MO 63026  
USA

(636) 349-0303 [www.joycemeyer.org](http://www.joycemeyer.org)

Joyce Meyer Ministries—Canada  
Lambeth Box 1300  
London, ON N6P 1T5  
Canada  
1-800-727-9673

Joyce Meyer Ministries—Australia  
Locked Bag 77  
Mansfield Delivery Centre  
Queensland 4122  
Australia  
(07) 3349 1200

Joyce Meyer Ministries—England  
P.O. Box 1549  
Windsor SL4 1GT United Kingdom  
01753 831102

**tv.joycemeyer.org** сайтида Жойс Майер  
хизматини бир неча ўнлаб тилларда  
томоша қилишингиз мумкин.

Ибодатга жавоб олиш йўлида бир қатор тўсиқлар мавжуд. Улардан баъзилари муваффақиятли ибодат калитларининг, тўғридан тўғри тескарисси ҳибосланади, жумладан, кечирим – бу муваффақиятли ибодатнинг калити, хафагарчилик эса – ибодатнинг йўлидаги тўсиқ саналади.

Бизнинг душманамиз, шайтон, руҳий мавжудот, шундай экан, биз унга қарши руҳий қуроллар билан курашишимиз зарур, булар: Худонинг Сўзи, Исо Масиҳнинг исми ва Унинг қонидаги кучдир. Агар биз самарали ибодатнинг шартларига риоя этсак ва ибодат орқали Худованд билан доимий мулоқотда бўлсак, ибодатларимиз ер-юзидagi ҳар қандай кучдан юқори қудратга эга бўлади.